*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◎ № 110 (7. 199) ◎ 1990 йил 17 май, пайшанба Баҳоси 4 тийин.



◎ ДЎППИ ТИКДИМ ИПАКЛАРИ ТИЛЛОДАН. Охунбобоев номидаги бош кийимлар фабрикасининг қўли гул чеварлари Гулчеҳра Нишонова (чапда) ва Раъно Парпиевалар.

Х. Мирзакаримов суратн.

Бу ҳақда XXVII Тошкент шаҳар партия конференциясида гапирилди

## Сафларни мустаҳкамлаш керак

**◎ Тошкент шаҳар коммунистларининг XXVII партия конференциясида Ўрта Осиё кабеллар ишлаб чиқариш бирлашмасидан ҳам бир гуруҳ делегатлар иштирок этишди. Улар бугунги кунда партия ташкилотлари олдида турган долзарб масалалар ҳақида жамоатчи мухбиримизга қуйидагиларни гапириб беришди.**

**Н. Ф. МЕШЧЕРЯКОВА, бирлашма партия комитети котибининг ўринбосари:**

— Яқинда бирлашма ишчиларидан бири Коммунистик партиянинг район миқёсидан бутун мамлакат бўйича саркотиблари, Президент, Совет раиси каби лавозимларга сайлашяпти, нима, партиянинг мавқеи пасайиб кетяптими? — деб сўраб қолди. Албатта, бу бежиз эмас. Чунки, жамиятдаги ҳамма соҳага, ҳамма масалаларга партиянинг аралашуви туфайли кишиларда партия деганда эътиқоддан ҳам юқорироқ тасаввурдаги ташкилот намоён бўлган. Жамият бошқарувининг Советлар ихтиёрига берилиши туфайли кўпчиликда партия тўғрисида нохуш фикрлар пайдо бўлган.

Партиянинг бундан кейинги мавқеининг қандай бўлиши, аввало коммунистларнинг ўзига боғлиқ. Қолаверса, бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини кучайтириш керак, майда ташкилотларни йириклаштириш лозим. Бу борада бирлашмамизда бир қатор ишлар қилинди. Цех партия ташкилотларининг икки, ҳатто учтасини қўшдик. Партия гуруҳларини ҳам камайтирдик. Бу усул қоғозбозлик, хўжакўрсинга ишлайдиган партия котиблари сонини қисқартирди. Бўлиб ўтган бирлашма партия конференциясида қабул қилинган қарор илгаригидек бир даста қоғоздан иборат бўлмади. Имконимиз етадиган, бажара оладиган ишларни қарорга киритдик. Бошланғич партия ташкилотлари аввало ана шунга эътибор беришлари керак. Токи қарорда қайд этилган вазифалар бажарилсин. Ана шунда унинг мавқеи, обрўси ошади.

**Н. В. МОСТОВОЙ, бирлашманинг «Виктория» ишлаб чиқариш ширкати бошқаруви раиси:**

— Мамлакатимиз кишилари жиддий имтиҳондан ўтишаётган ҳозирги даврда, айниқса коммунистларнинг масъулияти жуда ошди. Ҳар хил шов-шувга учмасдан, белни маҳкам боғлаб ишлаш керак. Назаримда қуруқ гаплар кўпайиб кетяпти. Бизнинг цех партия ташкилотида ҳам коммунистликдан воз кечганлар бўлди. Бироқ, эътиқодига садоқатли, жамият учун фойдам тегсин деб, партияга кирганлар кўпчилик экани исботланяпти. Ҳамма саноат корхоналарида бўлганидек, бизда ҳам хом ашё танқислиги муаммо бўлиб турибди. Бошқарув аъзоларининг аксарияти коммунистлар. Маслаҳатлашиб, қийинчиликларни енгяпмиз. Биз асосан Павлодар шаҳридан пластикат оламиз. Яқинда, командировкадан қайтган бир ходимимиз у ерда ижтимоий-маиший масалаларнинг ёмон аҳволда эканлигини айтиб қолди. Биз, шартнома бўйича кабеллар олаётган туркманистонлик гиламдўзлар билан боғланиб, қозоғистонликларга гилам ва палос юбориш ҳақида келишдик. Бу усул уч томон учун фойдали бўлиши аниқ, коммунистлар ташаббуси билан бўлди. Ширкатимиздаги партия аъзолари ҳам масъулиятни жуда тўғри тушунишяпти. Шунинг учун ҳам шартнома мажбуриятларини бажаришга эришяпмиз. Амалий ҳаракат, мустаҳкам интизом бошланғич партия ташкилотининг мавқеини ўстиради, деб ҳисоблайман.

Суҳбатдош С. ШАМСИДДИНОВ.

## Тилдаги ва дилдаги гаплар

**«Масъулият ва интизом зарур!» — дейишади Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмаси коммунистлари билан суҳбатлашсангиз, — бу фақат бизнинггина эмас, бутун жамоанинг фикридир.**

Хўш, машинасозлар нега шундай хулосага келдилар? Улар кўпдан буён пахтакорларимиз учун «зангори кема»лар ишлаб чиқаришади. Аммо янгича хўжалик юритиш, иқтисодиётни қайта қуриш улар олдига ҳам янги бир муаммони қўйди.

— Пахтакор колхоз ва совхозлар янги шароитларда маблағни тежаб-тергаб ишлатишга интилмоқдалар. Шу сабабли улардан «зангори кема»лар учун буюртма аввалгига нисбатан оз тушмоқда. Демак, ишчилар қўл қовуштириб ўтиролмайдилар. Ҳозир ўттиз хилдан ортиқ кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариш, уларнинг турларини янгилаб бориш орқали бирлашма иқтисодиётини ривожлантириш тадбирлари кўриляпти, интизом ва масъулият оширилмоқда.

— Иккинчидан, биз ишчилардан интизом ва масъулиятни талаб қилаётганимизку яхши, ишчидан тортиб директоргача ягона интизомга бўйсуниши керак, — дейди бирлашма партия комитетининг секретари, XXVII Тошкент шаҳар партия конференциясининг делегати Ш. Файзиев. — Бу давр талаби. Аммо корхонада ижтимоий, маданий-маиший муаммоларни ҳал этишга муҳим эътиборни қаратиш бизнинг бурчимиздир.

Ҳа, бу XXVII Тошкент шаҳар партия конференциясининг кўпгина делегатлари тиллари ва дилларидаги гаплардир.

Шаҳарда, ҳозир 138 корхона ва ташкилот хўжалик ҳисобининг норматив тақсимотига асосланган иккинчи модели асосида ишлаётгани, тўла хўжалик ҳисоби ва ўзўзини маблағ билан таъминлашга ўтиш корхона ва ташкилотларда ички имкониятлардан яхшироқ фойдаланиш ва кўпроқ ташаббус, интизом ва масъулият кўрсатишни тақозо этаётгани конференцияда алоҳида таъкидлаб ўтилгани бежиз эмас.

Демак, эндиликда ишнинг амалий натижасига қараб баҳо бериш, маҳсулотларни республика миқёсигагина эмас, мамлакат ва ҳатто жаҳон мезонларига олиб чиқиш ҳар бир меҳнат жамоаси ва партия ташкилотининг муҳим иши бўлмоғи зарур.

Ҳ. АБРОРОВ.

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

### Феруза рангида

**◎ ТОШКЕНТ қурилиш материаллари тажриба ишлаб чиқариш бошқармасида янги феруза рангли пардоз плиталар чиқарила бошланди.** Бу ноёб маҳсулот табиатнинг аёвсиз аёзларига ҳам бардош беради.

Айни кунларда корхонада бу маҳсулотдан тайёрлашга киришилди. Жамоа ишчилари йил якунига қадар 6 минг 500 квадрат метр ана шундай сифатли плиталардан яна 4 хилини тайёрлашади. Корхонанинг бу маҳсулоти Ўрта Осиёда ягона бўлган ёпиқ бозор гумбазини безамоқда.

Д. ҚАЛАНДАРОВ.

### Рўзғорда асқотади

**◎ ТОШКЕНТ қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи жамоаси пахтакорларга мададкор қудратли техникалар ва эҳтиёт қисмлар етказиб бериш билан бир қаторда халқ истеъмоли буюмлари тайёрлашга ҳам алоҳида эътибор бермоқдалар.** Натижада корхонада тайёрланаётган истеъмол буюмлари тури ошиб боряпти. Жумладан яқинда ишлаб чиқаришга қўйилган 2 хил ранда, оғирлигини ўзгартириб туришга ихтисослашган турли гантеллар чиқарила бошланди.

— Яқинда, — дейди халқ истеъмоли буюмлари тайёрлаш бўлими бошлиғи ўринбосари Ю. Вороновский. — Болалар учун ўйинчоқлар чиқаришга киришамиз. Ҳозир уларни тайёрлаш ишлари қизғин олиб борилмоқда. Қизиғи шундаки корхонамизда шу кунга қадар бирорта болалар учун ўйинчоқлар чиқарилмаган. Жамоамиз эса бир ойда 1 миллион 198 минг сўмлик истеъмол буюмлари тайёрлайди.

Д. ОБЛАЕВ.

### Мозамбикдаги кўргазмага

**◎ ЖУМҲУРИЯТИМИЗДА тайёрланаётган енгил саноат маҳсулотларининг катта бир туркуми Мозамбикда бўладиган халқаро енгил саноати маҳсулотлари кўргазмасига тахт қилиб қўйилди.** Булар орасида Тошкент, Самарқанд, Қува чинни заводлари, Марғилон атласи, Наманган ва Тошкент тўқимачилик комбинатларининг чит, сатин газламалари бор. Шунингдек кўнатворлик маҳсулотлари ва спорт буюмлари фабрикасининг ёшларбоп сумкалари ўрин олган.

Д. ҚОДИРОВ.



### Собир Раҳимов районидаги янгиликлари

### Хорижий мамлакатларга

**◎ ЧИННИ заводида тайёрланаётган маҳсулотларга фақат мамлакатимиздагина эмас, балки хорижда ҳам талаб катта.** Корхона жамоаси ҳар бир ишлаб чиқараётган маҳсулотнинг фақат сифатли бўлишига эришиши туфайли ана шундай ҳурматга сазовор бўлмоқда.

БУГУН завод йигирмага яқин хорижий давлатларга ўз маҳсулотини экспорт қилди.

Яқинда корхонада чойнак тайёрлаш цехи фойдаланишга топширилди. Бу ишлар автомат ва ярим автоматлар зиммасига юклатилган бўлиб, аҳолининг чойнакка бўлган талабини қондиришда муҳим роль ўйнайди.

### Мўмай даромад

**◎ ИИЛ бошидан хўжалик ҳисобига ўтиб ишлаётган 1-автокомбинат меҳнат аҳли ўтган йилги** 127 минг сўм қарзидан қутилиб шу йилнинг беш ойида 134 минг сўм даромад қилди. Ҳар куни корхона дарвозасидан 546 машина чиқиб, бир кунда йўловчиларга 29—30 минг сўмлик хизмат кўрсатиб келмоқда.

БУГУН автокомбинатнинг илғор ҳайдовчиси Маҳмуд Собиров келаси йилнинг февраль ойи ҳисобига меҳнат қила бошлади. Яқинда корхона жамоаси янги маркали «Волга» енгил машинасидан ўн бешта олди. Бу таксилар ўз меҳнати билан бошқа ҳамкасбларига ўрнак бўлаётган ҳайдовчиларга ажратилди.

### «Ширинхўр»га келинг

**◎ 2-ҚОРАҚАМИШ даҳасининг 1-мавзесида**

**БУГУН 120 ўринли «Ширинхўр» қаҳвахонаси фойдаланишга топширилди.** Бу умумий овқатланиш корхонаси районда йил бошидан бери ишга туширилган учинчи қаҳвахонадир. Йил охирига қадар яна шунча ошхона аҳоли хизматига топширилади.

«Ширинхўр» қаҳвахонасининг бошқа ошхоналардан фарқи шундаки, унда болалар учун махсус 20 ўринли бўлим ташкил этилган бўлиб, бу ерда тўрт хил парҳез таомлари, музқаймоқ, қаҳва ва ҳар хил ширинликлар билан савдо қилинади. Кичкинтойлар учун мўлжалланган ва асосан ширинликлар билан савдо қиладиган бундай умумий овқатланиш корхонаси шаҳримизда ягона ҳисобланади.

### Ўн бештага кўпайди

**◎ 3-АВТОБУС парки жамоаси беш ойлик планини 45 минг сўм ортиғи билан адо этишди. Йиллик планни 25 декабрда бажаришга аҳд қилган корхона азаматларн йўловчиларга плиндан ташқари 100 минг сўмлик хизмат кўрсатишга аҳд қилиб ишлашмоқда.**

БУГУН корхонада Павлово шаҳридан келтирилган ўн бешта қулай машиналар йўловчилар хизматига тахт қилиб қўйилди. Бу йўловчилар учун жуда манзур бўлаётган кичик автобуслар ҳадемай Юнусобод даҳаси бўйлаб қатнайдиган такси маршрутида ҳамшаҳарларимизга хизмат кўрсатади.

Р. ФАЙЗУЛЛАЕВ.

### Кундузги шифохона

**◎ ЯҚИНДА Октябрь районидаги 35-поликлиника қошида замонавий ва янги жиҳозлар ўрнатилган 10 ўринли кундузги даволаниш шифохонаси иш бошлади.** Бу ерда асосан ёш ва кўп болали оналар, касали оғир бўлмаган беморлар келиб даволанишади. Беморларнинг шифо топишлари учун барча дори-дармон ва шароитлар муҳайё. Абу Али ибн Сино номли 1-шаҳар касалхонасининг тажрибали шифокорлари беморларни кўриб, ўз маслаҳатлари билан ёрдам беришмоқда.

Д. ЗАРИПОВА.

### Оналар мактаби

**◎ ОКТЯБРЬ район саломатлик маркази жамоаси райондаги мавжуд 6_ва 18-болалар поликлиникаларида ёш оналар мактабларини ташкил этишди.** Саломатлик марказидагилар ёш оналарга кичкинтойлар тарбияси, саломатлигига оид бир қатор ишларда яқиндан кўмакдош ва маслаҳатчи бўлиб келмоқда.

— Шунингдек мазкур саломатлик марказларида соғлом болалар хоналарини ҳам ташкил этдик, — дейди район саломатлик маркази раиси М. Ғафурова. — Мазкур хонада, бир ёшгача бўлган жажжиларнинг саломатлигини назорат қилибгина қолмай, уларнинг яхши ўсиши учун ҳам қулай шароитлар яратилади.

Д. АЪЛОЕВ.

### Иттифоқда тўртинчи

**◎ ЎҚУВЧИЛАРГА ҳар томонлама чуқур билим берувчи мустаҳкам ўқув-моддий базасига эга бўлган йирик мактаблар бизда ҳали оз.** Янги лойиҳа бўйича қурилган бундай таълим ва тарбия комплекслари Иттифоқимизда ҳозирча Москва, Тбилиси ва Харьков шаҳарларидагина мавжуд, холос.

Яқинда жумҳуриятимиз пойтахтида ҳам шу типдаги билим даргоҳи комплекси ишга тушди. Куйбишев районига қарашли Улуғбек шаҳарчасида қад кўтарган мазкур 288-мактаб 1176 ўқувчига мўлжалланган бўлиб, таълим ва тарбия олиб бориш учун барча қулайликларга эга.

Билим даргоҳида ўқувчилар маданият саройи, касб-ҳунар ўрганиш маркази ҳам бор. Меҳнат таълимини деҳқончилик, чорвачилик юмушлари билан қўшиб олиб бориш тадбирлари ҳам кўрилди. Шу мақсадда паррандачилик, қуёнчилик фермаси бунёд этилди. Мактаб олди тажриба участкасида боғдорчилик, сабзавотчилик билан шуғулланиш мумкин.

Янги лойиҳа асосида политехника таълим машғулотлари учун ҳам ўқув лабораториялари ажратилди.

А. АКБАРОВ.

### Ғолибларга имтиёзлар

**◎ БИЛИМ даргоҳларида ўқувчиларнинг турли фанларга бўлган қизиқишларини ўстиришда факультатив курсларнинг тутган ўрни ортиб бормоқда.** Уюштирилаётган факультатив машғулотларнинг самарадорлигини ошириш учун олий ўқув юртларидан етакчи ўқитувчилар кўплаб жалб этилмоқда. Бундай ижобий тажрибани Тошкентдаги 110, 263- ва бошқа мактаблар мисолида кўриш мумкин.

Шу йилдан бошлаб курс машғулотларини Тошкент давлат педагогика, Тошкент темирйўл транспорти инженерлари институтлари ўқитувчилари олиб боришга киришдилар. Бу ўзининг яхши натижаларини бермоқда. Ўтказилган фан олимпиадаларида эса бу изланиш айниқса яхши самара берди. Билимлар 214 ва бошқа мактабларнинг иқтидорли ўқувчилари билимларни пухта ўзлаштираётганликларини яна бир карра намойиш қилдилар.

Ғолиб ўқувчилар олий ўқув юртига имтиҳонсиз қабул қилинадиган бўлдилар.

С. ОДИЛОВА.

### Ёш истеъдодлар кўриги

**◎ «КАМАЛАК—90» шаҳар болалар ижодиёти фестивали кўплаб ёш истеъдодларни аниқлаш имконини берди.** Островский номли шаҳар пионер ва ўқувчилар саройида бўлиб ўтган бу маданий тадбирга Тошкентдаги барча пионерлар саройларидан талайгина ёш ижрочилар таклиф қилинган эди.

Ижодий имтиҳонда мусиқа ва саҳна санъатининг турли жанрларн бўйича бўлган беллашув жойларда бадиий ҳаваскорлик жамоалари сони ортиб, уларнинг маҳоратлари ўсиб бораётганлигини яна бир бор намойиш қилди. Актёрлик ишлари бўйича ҳам яхши чиқишлар бўлди. Собир Раҳимов район пионерлар уйи ҳузурида фаолият кўрсатаётган «Қалампир» ижодий жамоаси ҳам ижобий ютуқларни қўлга киритди. Унинг фаол аъзоси О. Охунов эса фестивалнинг махсус мукофоти ва дипломи билан тақдирланди.

Фестивалда, шунингдек, Собир Раҳимов район пионерлар уйи драма тўгараги, Куйбишев районидаги «Ерилтош» каби ижодий жамоалари ҳам ғолиб деб топилди.

М. ҚОДИРОВА.

### Митти ўйингоҳ

**◎ ЖУМҲУРИЯТ илмий ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли Тошкент тажриба таъмирлаш механика заводи жамоаси қишлоқ хўжалигн техникаларк ишлаб чиқиш билан бир қаторда халқ истеъмоли буюмлари тайёрлашга ҳам алоҳида аҳамият бермоқда.** Бу ерда дала боғ ишлари учун митти кетмон, кўп қаватли турар жойларда яшовчилар учун кир қуритадиган мосламалар кўтариш ускунаси каби ўнлаб турдагн истеъмол буюмлари тайёрланиб савдо шохобчаларига етказиб берилмоқда.

БУГУН корхона жамоаси янги терма тайёрлашга киришди. Бу термада турли хил машқ тошлари, арқон турник каби бир қатор спорт жиҳозлари ўрин олган бўлиб бир неча квадрат метрга жойлаштириш мумкин. Имкониятдан унумли фойдаланган корхона ишчилари тўрт ойлик топшириқларини муддатидан олдин 83 минг сўмлик ўрнига 85 минг сўмлик халқ истеъмоли буюмлари тайёрлашга эришди.

Д. МУРОДОВ.

### Куй сеҳри

**◎ БАСТАКОР Р. Абдуллаев қатор йирик мусиқа асарлари муаллифи сифатида кўпчилик, на яхшн таниларн.** У яратган опера ва балет асарлари жумҳуриятимиз театрлари репертуарларидан мустаҳкам ўрин олган.

Бастакор жозибали куй ва оҳанглар асосида яқинда яна бир ёркин ижод намунасини тугатди. Ўзбек халқининг қадимий анъанавий миллий байрамини кўтаринки руҳда мадҳ этувчи мазкур асар «Наврўз тароналари» деб номланди.

Фортепьяно ва оркестр учун ёзилган бу концерт яқинда мусиқа шинавандалари томонидан илиқ қарши олинди.

А. АЛИЕВ.



◎ МАШИНАГА «ЖОН» КИРИТИБ. Москвадаги Ленин комсомоли номидаги заводга қарашли машиналарга хизмат кўрсатадиган шаҳримиздаги бош станциянинг автомобилларни таъмирловчи устаси Алишер Алимов.

Л. Гусенков сурати.

### Тонгги рўзномаларда

**◎ «СССРда олий таълимни ривожлантиришнинг давлат дастури тўғрисида» Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг Фармони, ўртоқ М. С. Горбачевнинг Миср Президенти Ҳ. Мубарак билан учрашуви ҳақида расмий хабар, кеча Москвада ўз ишини бошлаган РСФСР халқ депутатларининг биринчи съезди ҳақида ҳисобот эълон қилинган.**

**◎ Ўзбекистон ССР Министрлар Совети «Гражданларнинг ҳақиқий ҳарбий хизматга чақирилиши тўғрисида» қарор қабул қилди. Мазкур қарорнинг баёни ва шу қарорга шарҳ бугун республика рўзномаларида берилган.**

## «ЛЕНИН—СОЦИАЛИЗМ— ҚАЙТА ҚУРИШ»

— Бу шиор Владимир Ильич таваллудининг 120 йиллигига бағишланган илмий-амалий анжуманнинг мазмунн ва йўналишини белгилаб берди. 15 май куни бўлган бу учрашувга Ўзбекистон ССР Фанлар академияси турли илмий фанлар вакиллари, В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент бўлими, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институти, Тошкент шаҳар партия комитети ходимлари таклиф этилди.

В. И. Ленин ғоявий меросининг турли жиҳатларини муҳокама қилган файласуфлар, тарихчилар, ҳуқуқшунослар унинг долзарблигини таъкидладилар. Биз Ленин йўлига қиёслаб, бугунги кунда ҳам бутун дунёни тўлқинлантираётган муаммоларга жавоб оламиз. Ўз нутқларини давлат, совет федерациясини ривожлантириш, миллатлараро муносабатларни уйғунлаштириш, қайта қуриш шароитида социалистик ҳуқуқ ва унинг вазифалари муаммоларига бағишлаган анжуман қатнашчилари Владимир Ильич асарларига худди шу жиҳатдан мурожаат этдилар...

Бир қанча нутқлар ленинча концепцияларга ва унинг ташаббуси билан рўёбга чиқарилган амалий ишларга бағишланди, ана шу тадбирлар Ўзбекистондаги, бутун Ўрта Осиёдаги ўзгартишларга самарали таъсир қилди.

Айни вақтда баъзан Ленин ғояларини бузиб кўрсатадиган иқтибосчиликка (цитатабозлик), ақидапарастлик билан талқин этишга қарши ўлароқ Ленин меросини ижодий ўзлаштириш зарурлиги таъкидланди. Шу муносабат билан В. И. Ленин меросини ҳозирги шароитда тарғиб қилишга доир бир қанча аниқ-равшан мулоҳазалар айтилди.

(ЎзТАГ).

Советлар ҳаётидан

# ОДАМЛАР ТАШВИШИДА

— Очиғини айтганда ҳали кўпчилигимиз деярли сайловлар таъсирида, учрашувларда ваъда қилинган дабдабали дастурлар қобиғида айланиб юрибмиз, — деди шаҳар Советининг депутати Қ. Тошпўлатов. — Агар майда-чуйда ишларни ҳисобга олмаганда мен ҳам бундан мустасно эмасман. Лекин сайловчилар биздан амалий иш кутишяпти.

Буни мен яқинда сайлов округида бўлганимда яна бир бор ҳис этдим. «Биз сизга ишонч билдириб депутатликка сайладик. Хўш, ўтган муддатда нима иш қилдингиз?» деб сўраб қолишди дабдурустдан сайловчиларим.

Арзимаган бўлса ҳам бажарган ишларим юзасидан ҳисоб беришга тўғри келди. «Пенсионер А. Шукуровнинг оиласига телефон туширишга ёрдамлашдим. Ноҳақ ишдан бўшатилган А. Қодировни ўз ишига тиклашга кўмаклашдим. Яна ҳозир маҳаллага канализация ўтказиш ишларини бошлаб юборишга ҳаракат қилаяпман».

«Бу ҳаммаси майда гаплар, — дейишди сайловчилар. — Сиз бизга катта ишларни бажаришга ваъда бергансиз. Илтимос, тезроқ ўша масалалар билан шуғулланинг».

Шу куни бир нарсага қаттиқ ишондим. Чиндан ҳам ҳозирги депутатга осон эмас экан. Халқ ҳақини қўймас экан. Энди сайловчиларни «У қилдим, бу қилдим» дея чалғитиб бўлмас экан.

Суҳбатимиз ўз-ўзидан қизиб кетди. Қ. Тошпўлатов бизни келажак режалари билан таништирди. У биринчи навбатда маҳаллада бажарилиши лозим бўлган ишлар плани билан таништирди. Улар эски кўчаларни асфальтлаш, хонадонларни буткул газ билан таъминлаш, сув қувури жўмракларидан зўр-базўр қуйилаётган сув босимини ошириш, электр энергия таъминотини яхшилаш, оилаларни тўла телефонлаштириш, ночор пенсионерларнинг ҳолидан хабардор бўлиб туриш каби юмушлар мажмуасидан ташкил топган.

— Меҳнаткашларни уй-жой билан таъминлаш масаласида республика ҳукумати чинакам ғамхўрлик қилмоқда, — дейди депутат. — Менинг дастуримда ҳам бу масалага кенг ўрин берилган. Ҳозирда икки ночор оилани биринчи навбатда уй-жой билан таъминлаш истагини билдириб район ижроия комитетига мурожаат қилдим. Улар бу талабимни инобатга олишди. Хушхабарни эшитиб ўша оилалар хурсанд бўлишди. Нуфузли идорага сўзимни ўтказганим учун ўзим ҳаммадан ортиқ қувондим.

Шу қисқа муддат ичида яна бир нарсага, ваъда бериш осону, аммо уни рўёбга чиқариш қийин эканлигига ишонч ҳосил қилдим. Бу хусусда дилимдаги гапни очиқ айтсам баъзи депутатлар мендан хафа бўлмас.

Уларнинг дастурини кузата туриб ҳайрон қоламан: «Атроф-муҳитни ифлосланиши муаммосига чек қўяман, шаҳарда уй-жой масаласини ҳал этаман. Транспорт қатновини йўлга қўяман. Озиқ-овқат таъминотини яхшилайман», каби баландпарвоз сўзларга кўз тушади. Лекин чиндан ҳам бир депутатнинг кучи шундай умуммасштабдаги ишларни бажаришга етадими? Етмаслиги ўз-ўзидан кўриниб турибди-ку. Бу муаммолар кўпчилик билан келишиб биргаликда ҳал этишни талаб этадиган масалалар-ку. Шундай экан, охирини ўйламай иш тутишга ҳожат бормиди? Эртага сайловчилар ўша депутатга: «Бизга шунақа-шунақа ваъдаларни берган эдинг. Қани уни бажарганинг» деб сўраб қолишса нима деган одам бўлади. Демоқчиманки, планларимиз аниқ ва ҳаётга яқин бўлса. Ана шунда ўзимизни ҳам, ўзгаларни ҳам алдамаган бўламиз.

Депутат Қ. Тошпўлатовнинг айтганларидан келиб чиқиб унинг режалари билан танишамиз. Уларда фақат бирор муаммони ҳал этиш эмас, балки уни бажариш учун нималар қилиш кераклиги ҳам баён этилган. Масалан транспорт хусусидаги бир бандни олайлик.

«Шаҳарда транспорт хизматини яхши йўлга қўйиш керак. Бунинг учун транспорт корхоналарининг моддий базасини яхшилаш, ҳамшаҳарларимизга бу хизмат иши юзасидан мурожаат қиладиган бюро ташкил этиш, мавжуд транспортлардан самарали фойдаланиш учун вақти-вақти билан шаҳарликлар фикрини билиб туриш, транспортлар қатнови устидан кундалик назоратни кучайтириш, ўзбошимча ҳайдовчиларга нисбатан кескин чора кўриш лозим».

Депутатнинг ўзбек тилини ўрганиш, виждон эркинлиги, ғоявий-тарбиявий ишлар, ҳуқуқий муҳофаза, озиқ-овқат маҳсулотлари, ширкатлар ва якка тартибдаги меҳнатга доир дастурларида ҳам шу хил таҳлилни кўриш мумкин.

— Қобилжон ака, сизни сўрашяпти. Эшикдан кириб келган ёш йигитнинг ушбу сўзи суҳбатимизни узиб қўйди.

— Ким? — сўради ундан депутат.

Остонада кўзлари йиғидан шишган аёл кўринди.

— Яна ичиб келиб тинчлик бермаяпти, — деди у хўрсиниб.


Қобилжон аёлга «ҳозир» дея бизга юзланди.

— Кечирасиз. Боришга тўғри келади. Депутатлик бурчи шуни талаб этса на илож.

Суҳбатимиз узилиб қолмаслиги учун депутатнинг таржиман ҳолидан бир банд келтириб унга нуқта қўйишни лозим топдик.

Қобилжон Тошпўлатов — 1948 йилда туғилган. Шаҳримизнинг Октябрь районига қарашли Обод маҳалласида истиқомат қилади. Олдин Тошкент самолётсозлик техникумини, кейин эса Киев граждан авиацияси инженерлари институтини тамомлаган. 1975 йилдан бери КПСС аъзоси. Ҳозирда Тошкент аэропортида ишлайди. Уч фарзанднинг отаси.

**М. КОМИЛЖОНОВ.**



⊙ **БУНЕДКОР. 4-трест 68-қурилиш бошқармасининг тажрибали ғишт терувчиси коммунист Нурмамат Рўзнев.**

**Т. Каримов сурати.**

# Аҳоли нияти амалга ошди

АЗИМ шаҳримизнинг қиёфаси кундан кунга чирой очиб бормоқда. Ишга туширилаётган янги уйлар, замонавий бинолар, равон йўллар ҳамшаҳарларимизнинг социал соҳага бўлган эҳтиёжини қондиришни енгиллаштираяпти. Куни-кеча Абдулла Қодирий кўчаси билан Собир Раҳимов номли кинотеатрни боғловчи Ойбек кўчасининг икки томонида ҳам транспорт воситалари қатнай бошлади. Бу билан кўпчиликнинг йўлда икки томонлама ҳаракатни таъминлаш юзасидан анча йиллардан бери қилган нияти амалга ошди. Энди ҳайдовчилар бир-бирига халақит беришдан чўчишмайди. Қизил, яшил, кўк чироқ олдида машиналарнинг турнақатор саф тортиб туриб қолишига йўл қўйилмайди. Қолаверса, йўловчилар ҳам кўчанинг биринчи томонидан иккинчисига хотиржам ўтиб олишади.

Йўл, кўприк ремонтига ихтисослаштирилган қурилиш трестининг буюртмасига мувофиқ йўлнинг иккинчи томонида ҳаракат қатновини таъминлашга икки ойлик муддатнинг ўзи кифоя қилди. Шаҳар йўл ремонти қурилиш трести қурувчилари бу ерда 160 минг сўмлик иш бажардилар. Яна 90 минг сўмлик ремонт-қурилиш ишлари уддалангач, Ойбек кўчаси ўзининг лойиҳа қувватига тўла эришади. Бу иш 1991 йилнинг биринчи кварталида, яъни йўл четидаги янги уйлар тўла ишга туширилганидан сўнг ниҳоясига етказилади.

**А. РУСТАМОВ.**

## МАКТАБДАГИ ОМОНАТ ЁТОҚХОНА

МАЪЛУМКИ, партия ва ҳукуматимиз халқ турмуш шароити, саломатлик, таълим ва тарбияни янада яхшилаш, ёш авлод келажаги учун ғамхўрлик қилиш борасида ҳамма чора-тадбирларни кўрмоқдалар. Лекин бизда ҳали ҳамма ишларимиз кўнгилдагидек кетяпти, деб бўлмайди, албатта. Шу ўринда таълим-тарбиянинг асосий ўчоғи бўлмиш мактабларимизда болаларнинг ҳар томонлама чуқур билимга эга бўлишлари учун оддий замонавий шарт-шароитларга ҳам муҳтожлик сезилаётганини айтиб ўтиш керак.

Тошкент шаҳар, Куйбишев районидаги Мичурин номли 112-мактаб хусусида ҳам юқоридаги фикрларни баён қилиш мумкин. Бу тарбия масканида 1205 ўқувчи таълим олади. Мактаб икки сменали. У 1962 йил маълумотларига қараганда, 960 ўқувчига мўлжалланган эди. Мактабда ҳам ўзбек, ҳам рус миллати фарзандлари таълим олишмоқда.

Ўзбек мактабида рус тили дарслари, рус мактабида ўзбек тили дарслари тақсимланиб ўтилиши, бунинг устига ҳар иккисида ҳам чет тиллар мавжудлиги муносабати билан, мактабда синфдан ташқари бирор тадбир ўтказишнинг умуман иложи йўқ. Бунинг устига мактабда ўнта куни узайтирилган гуруҳлар ишлаб турибди. Бу гуруҳлар эса заҳ, ярим ертўла хоналарда жойлашган (синф хоналари етишмагандан кейин илож қанча?). Улар ҳам икки сменали. Бу ярим ертўла хоналар болаларнинг таълим олишлари учун санитария нормаларига умуман зиддир. Айниқса, қиш ойларида ўта заҳ, қуёш нури умуман тушмайдиган бу хоналарда таълим олаётган кичкинтойлар тез-тез хасталаниб туришади.

Хўш, нима қилиш керак? Мактаб ҳовлиси ҳудудида 1914 йили (?) қурилган бир қаватли эски иморат турибди. У ҳозирги кунда ўта хавфли ҳолатда, бир кунмас-бир кун босиб қолиши мумкин. Лекин ана шу ерда ҳам одамлар яшайди... Хўш, улар кимлар? Лекин бу савол муаммолигича қолмоқда. Чунки у ердагилардан сўраб-суриштирилганда, бу бино 1980 йили Ўзбекистон ССР Маориф нозирлигининг буйруғи билан Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти талабалари учун ётоқхона тариқасида берилган экан. Наҳот бир тепса ағдарилиб кетадиган бинони талабалар ҳаётини хавф остида қолдириб шундай қилинган бўлса! Бунинг устига 10 йил ўтиб кетибди. Бепарволик ҳам эви билан-да!

Агар 112-мактаб ҳудудида жойлашган шу бинони яхшилаб тузатиб, ана шу мактаб ихтиёрига берилса, қандек иш бўлмасмиди? Шундай қилинган тақдирда ўқувчиларни бир сменага ўтказиш, куни узайтирилган кичкинтойлар билан тарбиявий соатлар олиб бориш имкониятлари туғилмасмиди?

**Р. САИДОВ,**

**СССР Журналистлар уюшмасининг аъзоси.**

## ГЎЗАЛ ИСМГА ДОҒ

ЯҚИН ойларгача Октябрь районидаги янги мавзе Калинин номи билан аталиб келинарди. Кўпчилик уни «Ибн Сино мавзеси» деб аташни шаҳар Совети жой номларини белгилаш комиссиясидан сўраган эди. Халқнинг ҳақли талаби Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети томонидан маъқул деб топилди. Махсус қарорга асосан Калинин мавзеси Ибн Сино мавзеси деб атала бошланди. Унинг кўринарли жойларига, баланд уйларнинг пештоқига ўзбек тилида Ибн Сино мавзеси деб ёзиб қўйилди. Бундан мавзе аҳолиси жуда хурсанд бўлди. Аммо шу муҳим ишга бошқа ташкилотлар лоқайдлик билан қарамоқдалар. Мавзега шаҳарнинг атрофидаги 18-автобазага қарашли 31, 79, 88 ва 153-автобуслар қатнайди. Мавзенинг номи ўзгарганига 2 ой бўлганига қарамай автобусларнинг «пешонаси»даги «Массив Калинин» деб ёзилган сўзлар ҳали ҳам ўзгартирилгани йўқ. Ваҳоланки, йўловчилар қатнайдиган машиналарнинг пештоқига тезроқ «Ибн Сино мавзеси» деб ёзиб қўйилса, шаҳар аҳолисига янги мавзенинг номи тезда етиб борарди ва шу ерга келувчилар уни топишда унчалик қийналишмасди. Наҳотки, 18-автобаза раҳбарлари буни тушунишмаса?

**Ҳ. ЙЎЛДОШЕВ,**

**жамоатчи мухбир.**




## УЯТ-КУ, АХИР!

ЖУМҲУРИЯТИМИЗДА ўзбек тилига давлат мақоми берилганига ҳам ярим йил бўлиб қолди. Бу орада анча ишлар амалга оширилди. Бундан хурсандмиз. Бироқ баъзи жойларда бу ишга лоқайд муносабатда бўлинаётганини кўриб кишининг дили оғрийди. Кўча-кўйда ўтиб бораётиб кўзим беихтиёр кино афишаларига, баъзи бир бинолар тепасидаги ёзувларга тушиб қолади. Масалан, «Искра», «Қозоғистон», «Собир Раҳимов», «Ватан» кинотеатрларида шу ҳолни кўриш мумкин. Савдодаги аҳволни гапирмаса ҳам бўлади. Расталарга қараб ҳали ҳеч бир маҳсулотимизнинг (Ўзбекистон ҳудудида чиқаётган) ёрлиқлари ўзбек тилида чиқмаётганлигини кўриб беихтиёр таажжубланаман.

Наҳотки, гуруч, ун, туз, сут маҳсулотларига ёпиштирилган ёрлиқларни ўзбек тилида ёзиш қийин бўлса? Тошкентдан чиқадиган оддийгина «Парҳезли сузма» ҳам бутунлай рус тилида ёзилган. Наҳотки шу сўзларни ўз тилимизда ёзиш шунчалар мушкулми? Ёки шунга ҳам юқоридан кўрсатма кутиш керакми? Ахир шундай бой ва гўзал тилимизнинг қадрига етмаслик уят эмасми?

**Н. ТОЖИЕВА.**

## МУАММО ТЎҒРИ КЎТАРИЛИБДИ

МЕН ёзувчи ёки мухбир эмасман, касбим инженерлик. Лекин рўзнома саҳифаларида ном қўйиш, ўзбек халқининг мўътабар кишилари, урф-одатларини абадийлаштириш ишига озми-кўпми ҳисса қўшиб келаяпман. Хизмат юзасидан кўп қишлоқ ва йирик шаҳарларга сафарга бориб келишга тўғри келади. Мен фақат ўз кўзим билан кўриб келган нарсаларни ҳурматли оқшомхонларга етказмоқчиман.

Яқинда Самарқанд вилоятидаги Иштихон районидан қайтдим. Иштихонда асл пахтакор, оққўнгил, халқпарвар, районнинг биринчи котиби бўлган ҳурматли Мурод Жўраев номли кўчалар ва боғларни томоша қилдик. Яъни бу кишининг ҳурмати район аҳолиси ўртасида яхши бўлгани учун манзарали боғлар, кўчалар номи билан аталар экан. Яна бир мисол: Олмаота энг гўзал ва чиройли йирик шаҳарлардан. Бу ерда қозоқ адиби Абайнинг номи билан аталган шоҳ кўча бўлиб, унда яна адиб ҳайкали ҳам қад кўтарган. Ҳар қандай меҳмон, сайёҳ шу ерга келиб уни зиёрат қилиб кетар экан. Шу икки мисолни келтиришимдан мақсад, мана бизнинг ҳам улуғ адибимиз Абдулла Қодирий таваллудининг 95 йиллиги нишонланди. Ўзбекнинг асл фарзанди сифатида унга ҳам ҳайкал ўрнатиб, кўча ва майдонлар номи қўйилса айни мудда бўлур эди. Шунингдек, Ғафур Ғулом, Ҳамза, Ойбек ва бошқа кўплаб ўзбек адибларининг номларини ҳам абадийлаштириш вақти келди.

Халқимизнинг муносиб фарзандлари номларини эсга олиш ва уларни эъзозлаш яхши. Лекин улар фақат шоирларгина эмас, балки пахтакор, олим, Улуғ Ватан уруши қаҳрамонлари ва жангчи-байналмилалчилар ҳамдир. Мен олдинги ёзган мақоламда Тошкент Бош университетини «Наврўз», Чилонзор районидаги «Чайка» кинотеатрини ҳурматли адибимиз домла Ойбек номли кинотеатр деб аташни таклиф қилган эдим. Кўп шаҳар ва районларда йирик тармоқ савдо марказлари ўзига муносиб номлар билан аталади. Чунончи Чимкентдаги «Гулжон» аёллар универмаги, Душанбадаги «Садбарг» маиший хизмат комплекси ва бошқа жуда кўп мисолларни келтириш мумкин. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети газетанинг 10 январь сонида шу масалага эътиборни қаратиб, муаммони тўғри кўтарган. Биз бундай хайрли ишни тўла қўллаб-қувватлаймиз.

**Ҳ. ТОЛИБЖОНОВ,**

**Давлат Иттифоқ лойиҳалаш институтининг етакчи инженери.**

Тўла хўжалик ҳисоби: муаммо ва ечимлар

# ИСРОФГАРЧИЛИК КЎЛАНКАСИ

⊙ **Тошкент тўқимачилик комбинати бу йил хўжалик ҳисобининг янги шакли бўлган ижара пудратига ўтиб ишлашга тайёрланмоқда. Корхона жамоаси мазкур йилда буюртмачиларга 15448 тонна калава, 125,4 миллион метр хом сурп, 210 миллион метр тайёр газлама, 3 миллион дона ғалтак ип етказиб беришни режалаштирган. Булардан 25 миллион сўм соф фойда олиш мўлжалланмоқда. Ижара пудратига ўтиб ишлаш аввало корхона маъмуриятидан ҳар бир фабрика ва цехнинг имконияти қай даражада эканлигини, улар меҳнат қилишнинг бу янги кўринишига қай даражада жавоб беришини аниқлашни талаб қилади. Тўғри, ижара пудратининг илк қалдирғочлари бўлган безак тушириш участкаси ва корхонанинг ёрдамчи тармоғи ҳисобланган «Тўқимачи» совхозида меҳнат қилишнинг янги усули бўлган ижара пудрати катта самара берди. Ўтган йили ижара пудратидан яна бир жамоа — йигирув-ип фабрикасининг айрим цехлари ҳам иш бошлашди. Бу мустақиллик анча самара келтирди.**

БИРОҚ, шунга қарамай, фабрика буюртмачиларга бугунгача салкам 80 миллион дона шартли ғалтак ип кам етказиб берди. Аввало, бунга ип-йигирув фабрикасида малакали кадрлар етишмаслиги, бунинг оқибатида маҳсулот ишлаб чиқарувчи техникалар тўла қувват билан ишламаганлиги бош сабабдир. Барча қувватларнинг ишлатилмаслиги нафақат шу фабрикада, балки корхонанинг бошқа ишлаб чиқаришларида ҳам мавжуд. Башарти хўжалик ҳисобига ўтиб ишлаётган корхонанинг 1989 йилдаги натижаларига эътибор қиладиган бўлсак, аҳвол аниқ-равшан бўлиб қолади. Ўтган йили корхонада 685 тонна калава, 57,6 миллион метр тайёр газлама, 66 миллион дона ғалтак ип кам ишлаб чиқарилди.

Пардозлаш фабрикасига келтирилаётган хом сурп талабга тўла жавоб бермаяпти. Дейлик, 1-тўқув фабрикаси томонидан биринчи нав белгиси қўйиб жўнатилаётган хом сурп пардозлаш фабрикаси сифат назоратчилари томонидан иккинчи ёки учинчи нав билан қабул қилинаяпти. Бунинг оқибатида тўқув фабрикалари пардозлаш фабрикаларига узлуксиз равишда жарима тўлашга мажбур бўлмоқда. Ўтган йили пардозлаш фабрикасига 1-йигирув-тўқув фабрикаси 103 минг сўм, 2-йигирув-тўқув фабрикаси буюртмачиларига — 102800 сўм, 3-филиали — 89800 сўм, 5-филиал эса 147200 сўм жарима тўлашди. Пардозлаш фабрикаси ҳам йил давомида ўлчамли ва тортимли лахтакни кўп ишлаб чиқаргани ва маҳсулотнинг сифатсизлиги учун 3 миллион 782 минг сўм йўқотди. Мана сизга «тежамкорлик» ва «иқтисод» қилиш. Ҳолбуки, корхона ўтган йили 428,2 тонна пахта, 13,9 тонна калавани тежаб қолган эди. Корхона бўйича 91,5 фоиз хом сурп биринчи навларда ишлаб чиқарилиши керак эди. Бироқ, бу борадаги белгиланган режа атиги 80,1 фоизга етди.

Юқорида биз корхона бўйича 428,2 тонна пахта тежалди деб қайд қилган эдик. Агар I-йигирув-тўқув фабрикаси 22,5 тонна пахтани ортиқча сарфлаб юбормаганда эди, бу кўрсаткич яна ҳам юқори бўлиши мумкин эди. Энди бу фабрика ўша ортиқча сарфлаб юборган пахтаси учун белгиланган хом ашёни то ўрни тўлмагунча олмайди. Кейинги пайтларда маҳсулотни чиқиндига чиқариб юбориш ёвв олмоқда. Бу борада 3-йигирув ишлаб чиқаришини мисолга келтириш мумкин. Шу кунгача бу ерда 358 тонна маҳсулот чиқитга чиқиб кетди. 1-тўқувда эса — 50,4 тонна-си, 2-тўқувда 37,4 тонна, 5-филиал — 15,6 тонна чиқитга чиқариб юборган. Хўш, бу кечириладиган ҳолми? Шу ишлаб чиқаришларни бирма-бир айлансангиз, ерда айқаш-уйқаш бўлиб ётган қоплар, пилталар, хом сурплар ва бошқа хом ашёларни кўриб таъбингиз тирриқ бўлади. Қаранг-а, бу ишлаб чиқаришларнинг барчасида технологик иш режими бузиляпти, корхона стандартига мутлақо риоя қилинмаяпти. Иш шу зайлда кетаверса, иқтисод ва тежамкорлик бобида сўз юритишга ҳам ҳожат бўлмаса керак. Биргина пардозлаш фабрикасида ўлчамли ва тортимли лахтак ишлаб чиқарилиши, газламанинг чиқиндига чиқиши, шунингдек, 17,4 миллион метр газлама навининг пасайтирилиши ачинарли ҳолдир. Ваҳоланки, корхона техника тараққиётини ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. 1986—1989 йилларда корхона фабрика ва цехларида 13 миллион сўмлик 1378 дона технологик ускуна ўрнатилди. Шунингдек, 126 дона ускуна такомиллаштирилди. Ўз-ўзидан савол туғилади. Хўш, корхонани бундай қайта қуриш нима учун керак бўлди? Жавоб оддий, буларнинг барчаси бир неча йиллардан бери меҳнат шароитининг ёмонлиги учун меҳнат унумдорлигини оширишга, корхона ишлаб чиқаришини яхшилашга олиб келиш учун қилинди. Бундай янгиланиш албатта ўз самарасини озми-кўпми берди. Корхонадаги 6 та ишлаб чиқариш белгиланган ойлик иш режаларини оширib бажардилар. Шу туфайли рекордан ташқари 48000 метр тайёр газлама, 86,3 тонна калава, 16700 метр хом сурп ишлаб чиқарилди. Шартнома асосида маҳсулот етказиб бериш режаси 100 фоиз бажарилди. Шунингдек, бу муваффақиятларга соя ташлаб турган қуйидаги рақамлар ҳам борки, уларни келтирмай иложимиз йўқ. Корхона ишлаб чиқаришлари орасида 3-йигирув, 1, 3, 4, 5- филиаллар ойлик иш режаларини бажармаганлиги туфайли 96,5 тонна калава, 386,3 минг метр хом сурп етказиб бермади. Корхона уларнинг айби билан 1 миллион 438 минг сўм зарар кўрди.

Айтинг-айтинг, башарти ҳар ой белгиланган режалар бажарилмай ора йўлда қолиб кетса борми, унда корхона 1990 йилда режалаштирган маҳсулотни буюртмачиларга етказиб бермаслиги аниқ. Аҳволни ўнглаш учун эса ишлаб чиқаришлардаги барча қувватлардан унумли фойдаланиш, корхона томонидан ажратилаётган хом ашёни тежаб-тергаб сарфлаш зарур. Шундагина юксак натижаларга эришиш мумкин.

**Б. ОРИПОВ.**

# БОШҚА ЖОЙЛАРГА ЖЎНАТИШДАГИ ЧЕКЛАШЛАР

**БУГУНГИ кунда мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларига посилка орқали жўнатиладиган нарсалар ичида нималар чекланган? Уннинг ичига солинган маҳсулотлар қандай қилиб текширилади? Посилка орқали жўнатиш билан боғлиқ бўлган бу ва бунга ўхшаш саволлар кўплаб тошкентликларни ҳаяжонлантирмоқда.**

**Тошкент шаҳар почта алоқаси ва матбуот тарқатиш ишлаб чиқариш бирлашмаси рўзномамизга келган хатларга жавоб бериб, республика Министрлар Советининг қарорини тушунтиради.**

Республика ташқарисига алоқа бўлимлари орқали битта посилкада оғирлиги 8 килограммгача бўлган маҳсулотларни жўнатиш мумкин: дудланган колбасалар ва дудламалар — 1 килограмм; консервалар: гўшт, сут, балиқ, сабзавот, мева; шарбатлар, шакардан пиширилган маҳсулотлар (қиёмлар) — 2 банкадан. Шунингдек, пишлоқ, бринза, сарёғ — 1 килограммдан, болалар таомлари маҳсулотларининг барча турлари — 2 қутидан. Озиқ-овқат концентратлари, қуруқ нонушталар солиш нормалари—10 ўрамдан; қоқланган, дудланган балиқлар—2 килограммдан, чой—300 грамм, барча турдаги қаҳвалар — 200 грамм. Қандолатчилик маҳсулотлари, асал, қанд, шакар 1 килограммдан, ун, гуруч — 2 килограммдан, тамаки маҳсулотлари — 10 пачка; қора мурч — 100 грамм, хантал, бошқа зираворлар — 200 грамм, ош содаси — 200 грамм, хамиртуруш — 200 грамм, ип газламалар — 6 метр, сочиқ — 2 дона, жун рўмол — 1 дона, чарм пойабзал — 1 жуфт, тайёр кийим—1 турдан, Осиё калиши — 1 жуфт, пайпоқ-носкилар—2 жуфт, ўрин-кўрпа жилдлари—1 туркум, кир совун, атир совун — бир бўлакдан, сунъий ювиш воситалари — 1 пачка, тиш ювиш пастаси — 2 тюбик, корсет буюмлар — 1 дона, соқол олиш пискаси — 1 пачка, митти калькулятор — 1 дона, ихчам кассеталар — 2 дона, ип ва ипак ип — 2 дона, мактаб-ёзув анжомлари — 2 предмет, сурат қоғози — 1 пачка.

**— Ҳозирги пайтда қандай қишлоқ хўжалик маҳсулотларини жўнатиш мумкин? — Бирлашма бошлиғининг ўринбосари А. А. Балашовага ана шу савол билан мурожаат қилдик.**

— Шу йилнинг 1 июнигача посилка орқали қуйидагиларни жўнатиш мумкин: помидор — 2 килограмм, пиёз — 2 килограмм, шунча миқдорда саримсоқ пиёз, олма, беҳи, майиз, ёнғоқ, ерёнғоқ, писта — 1 килограмм, шунчаки — 1 килограмм.

Посилка солинган нарсаларни текшириш учун улар алоқа бўлимларига очиқ ҳолда берилади.

**— Агар посилка болалар уйлари, ҳарбий қисмга юборилсачи?**

— Ҳарбий қисмларга, ногиронлар уйларига, болалар уйларига, интернат, мактабларга, ахлоқ тузатиш меҳнат колонияларида жазони ўтаётган кишилар, олий ўқув юртлари, техникумлар ва ҳунар-техника билим юртларининг талабалари номига жўнатиладиган посилкалар улар ичига солинган нарсалар текширилмасдан, ёпиқ ҳолда қабул қилинади.

**— Почта орқали нималар умуман қабул қилинмайди?**

— Велосипедлар, электр буюмлар, гилам ва гилам буюмлари, радио-техника, қимматбаҳо металлардан ясалган заргарлик буюмлари, табиий мўйна буюмлар, лак-бўёқ маҳсулотлари, санитария-техника, санитария-сопол буюмлари, гулқоғозлар, кундалик рўзғор моллари; бу—тугма, игналар, соч тўғноғичлар, гугурт, шам, пичоқлар, қайчилар, калава иплар, соябонлар, гальваник элементлар, бош кийимлардир. Барча озиқ-овқат маҳсулотлари, шу жумладан вино-арақ маҳсулотлари, чет элда ишлаб чиқарилган барча ноозиқ-овқат моллари.

## Хориждан хабарлар

⊙ ВАШИНГТОН. Жаҳон шуҳрати экология масалаларига бағишлаб, бу ерда бўлиб ўтган парламентлараро конференция қатнашчилари «Экология жиҳатдан ўзаро боғлиқлик декларацияси»ни бир овоздан маъқулладилар. Мазкур декларация «Биз, ер сайёрасининг халқлари» деган сўзлар билан бошланади. АҚШ конгрессининг таклифига биноан Вашингтонга келган 42 мамлакат қонуншунослари уч кун мобайнида озон қатламининг бузилиши, дарёлар, денгизлар ва океанларнинг булғаниши, ўрмонларнинг йўқ қилиниши, тупроқ кучсизланиши ва заҳарланиши, ҳайвонлар ва ўсимликлар қўпгина турларининг нобуд бўлиши, иқлимнинг жадал суръатда ўзгариши каби ўткир экология муаммоларини муҳокама қилдилар.

⊙ ВЕНА. Европа кенгашининг Шарқий Европа мамлакатлари билан ўзаро фойдали ҳамкорлиги ва яқинлашуви жараёни муваффақиятли ривожланмоқда. Совет Иттифоқи, Венгрия ва Польша кетидан Чехословакия, Болгария ва ГДР ҳам янада мустаҳкам алоқалар ўрнатилишига интилишмоқда. Европа кенгаши бош секретари Катрин Лаумьер Австрияга расмий ташрифи муносабати билан бу ерда бўлиб ўтган журналистлар билан учрашув чоғида шундай деди. У кенгашнинг СССР билан амалий мулоқотни кенгайтиришдан манфаатдор эканлигини таъкидлади. Михаил Горбачевнинг Францияга ташрифи чоғида ана шу мулоқотга асос солинди. Совет парламенти аъзолари билан мунтазам алоқалар, деди у, ҳамкорликнинг янги йўллари ва шаклларини излашга кўмаклашади. Совет парламенти аъзолари кенгаш ишида кузатувчи сифатида қатнашмоқдалар.

⊙ ПРАГА. Чехия ва Словакия Федератив республикасининг федерал кенгаши чоршанба куни 1968 йилда қабул қилинган Чехословакия Федерацияси тўғрисидаги қонунга ўзгартишларни маъқуллади.

Депутатлар мамлакат президенти В. Гавелнинг ЧСФР парламенти икки йиллик муддатга сайланиши тўғрисидаги таклифини қўллаб-қувватладилар. Республика президенти ўз лавозимида бўлиши даврига тааллуқли тузатишлар қонун йўли билан мустаҳкамланди. 1960 йилда қабул қилинган амалдаги конституцияга мувофиқ республика президенти ўз лавозимида бўлиш даври беш йил деб белгиланган эди. ЧТК агентлиги энди олий давлат лавозимида бўлиш муддати 24 ой билан чекланганини маълум қилади.

**(ТАСС).**



**ХИТОЙ. Яқинда Ички Монголия университетининг олими Сюй Жигань «Инвитро» усулини қўллаб 10 та қўзичоқ олди. Ушбу «пробирка усули» Хитойда уй ҳайвонларини кўпайтиришда қўл келмоқда. Хитойда бу усул биоинженерлик фанида янги соҳага асос солди. Сюй Жигань бундай ишларда 1984 йилдаёқ Японияда иштирок этган эди.**

**СУРАТДА: Махсус шиша идишда туғилган қўзичоқлар. Улар бошқа қўзичоқлардан асло фарқ қилмайди.**

**Синьхуа — ТАСС сурати.**

ТОШКЕНТ ШАҲАР МАҲАЛЛАЛАР ИШИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ КЕНГАШИНИНГ ГАЗЕТАСИ.
Ҳар ойда икки марта чиқади.
«Тошкент оқшоми» нашри.

# Маҳалладош

Май, 1990 йил
№ 9 (22).

Пойтахтнинг ўн икки дарвозаси

## САҒБОН



ДАРВОЗА ва унинг атрофи XVIII асрнинг охири XIX асрнинг бошларида маъмурий жиҳатдан Кўкча даҳасига қарашли бўлиб, ўша вақтларда бир қанча маҳаллалари билан машҳур эди. Албетта, кўпчиликни Сағбонининг атама номи, маъноси қизиқтирса керак.

Тарихчиларимизнинг ёзишича, ҳозирги кунгача машҳур бўлган Эски Жўва аслида «жўъба», яъни бозор сўзидан олинган бўлиб, қадимда шу жойда бозор бўлганидан далолат беради. Эски Жўвадан шимолроқда жойлашган «Саъван» маҳалласининг асли номи «Суғбон» яъни «Бозор қоровули» маъносини англатган. Чунки даштдан ҳайдаб келинган отар-отар қўйлар, қорамол ва йилқиларни қўриқлаб, бозорда фаррошлик ҳамда жалоблик қилган кишилар шу маҳаллада истиқомат қилишган. XIX асрда яшаган тошкентлик муаррих Муҳаммад Солиҳнинг «Тарихи жадидаи Тошканд» номли асарида келтирилган дарвоза рўйхатлари ичида «Субъаниён» деб таърифланган.

САҒБОН XIX асрнинг бошларида Кўкча даҳасининг маҳаллаларидан бири бўлиб, ғарбда Қўшчи мозор, шарқда Ёв, шимолда Ачавот, жанубда эса Эски Жўва бозорига бориб тақалар эди. Ўша вақтларда маҳалланинг 400 дан ортиқ ўзбек хонадони шаҳардан четроқдаги Ҳасанбой, Келес томонларда деҳончилик билан шуғулланганлар. Сағбон гузарида ва унинг кўчаларида 3 мачит, мактаб ва чойхона бўлган. Тошкентнинг шимоли-ғарб қисмида эса Сағбон қабристони ҳам бор эди.

Сағбон кўча ҳозирги Эски Жўванинг Калинин майдони бошланиб, охири Ленинчи кўча, яъни халқ томонидан Шлагбаум деб аталган манзилгача 3,5 километрдан ортиқ масофани ишғол этади.

— Бу кўчадаги уй-жойлар, уларнинг ўзига хос кўриниши ва жойланиши қадимий томлари, ҳатто пахса деворлар устида лолалар чаман бўлиб кетарди. Қишда лойгарчилик бўлиб, йўловчилар кўча четига терилган ҳарсанг тошлардан ҳатлаб-ҳатлаб уйларидан етиб олишарди. Ёзда эса «билқ-билқ» маййн тупроқ қуёшда қизиб ётарди. У вақтларда водопровод қайда дейсиз, ҳовуз ва ариқ сувларини ичаверар эдик. Кўчага ахлат ташлаш, уй олдини супуриб қўймаслик орият саналарди.

XIX асрнинг ўрталарида Сағбон кўча Эски Жўва бозорисарой, ҳозирги Ўзбекистон ССР Давлат табиат музейининг ўрнида эса «Москва катта мануфактура» савдо бирлашмаси ва шу корхона қаршидан 1911 йилда қурилган икки қаватли бино (ҳозир 4-поликлиника), шунингдек ўша вақтлар учун энг нуфузли ҳисобланувчи — биринчи қавати бостирма, юқори қисми эса меҳмонхона тарзида қурилган биноларбўлган. Аксарият, улар қишлоқда жойлашганлиги сабабли, кўча томондан икки қаватли, ҳовлидан бир қаватли уйдек туюлиб, ичкари ва ташқари ҳовлилардан иборат эди.

Сағбон кўчада Азиз халфа номи билан аталувчи масжид бор. У ҳам инқилобдан олдин қад кўтарган. Кўчанинг бошланишидаги 1920 йилларда одамларни ўзига тортадиган «Деҳқон уйи» деб аталувчи чойхонанинг қанчалик шуҳрат қозонганини ҳали-ҳали отахонларимиз эслашади. Жумҳуриятнинг атоқли партия ва давлат арбоблари, адабиёт ва санъат намояндалари шу жойда халқ билан учрашув ва суҳбатлар ўтказишган.

Совет ҳокимияти йилларида кўча аста обод бўла бошлади. 1977 йилда 24-мактаб биносининг олдига Ҳиндистоннинг собиқ Бош министри Лаъл Баҳодур Шастрига ёдгорлик ҳайкали ўрнатилди. (Муаллифлар: меъмор С. Одилов, ҳайкалтарош Т. Шафиро). Ҳозир кўчанинг икки томони бир қаватли бинолардан ташкил топган. Шунингдек, Тошкент чинни заводи, хўжалик буюмлари заводи, Собир Раҳимов район ички ишлар бўлими, болалар боғи ҳамда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг зоология ва паразитология институти жойлашган.

**Б. АМИНОВ.**

Ўрнак олса арзийди

## «ГУЛТЕПА»ГА АЙЛАНГАН КУЛТЕПА

**Азиз муштарийлар! Жумҳуриятимиздаги вилоят ва шаҳарларда ажойиб, ибрат олса арзийдиган маҳаллалар талайгина. Рўзномада ана шундай ҳамжиҳатлик масканлари ҳақида ҳикоя қилиб боришга қарор қилдик. Дастлабки мақолада Тошкент районидаги ташкил этилган «Гултепа» маҳалласи билан танишасиз.**

НАВОИЙ ва Собир Раҳимов номли колхозлар оралиғидаги чоғроққина майдон йиллар давомида обод бўлмай, кўпгина хира қилиб ётарди. Шу жойда яшовчи кексалар чойхона қуриб беришни илтимос қилиб бир неча марта юқори идораларга мурожаат этишди. Аммо наф чиқмади. Қайта қуриш шарофати билан маҳалла қўмитаси тузилиб, унга Ҳожи ака Худойбердиев раис этиб сайлангач, ишлар аста-секин юришиб кетди.

Район партия комитети раҳбарлари иштирок этган дастлабки мажлисда ҳар икки кўчалик раислари ҳалқ талабини бажаришга ваъда беришди. Шундан сўнг С. Раҳимов номли колхоз правлениеси ташландиқ ерни маҳалла ихтиёрига ўтказиш ҳақида қарор чиқарди. Навоий номли колхоз бунёдкорлари эса идора, чойхона, новвойхона ва сартарошхона қуришга киришдилар. Буни қарангки, 45 кунда барча ишлар ниҳоясига етказилиб, ажойиб бир масканбунёд бўлди. Қурилиш ва хоналарни жиҳозлаш учун 33 минг сўм сарфланганини таъкидлаш ўринлидир.

Ҳозир чойхонада кексалар бемалол чойхўрлик қилишяпти. Новвойхонада иссиқ, бўрсилдоқ нонлар ёпилмоқда. Яна бир қувонарли томони, қўмита ўз идораси, маҳалла эса гузарга эга бўлди. Шу боис бу жойни ҳақли равишда «Гултепа» деб атай бошладилар.

— Асосий ишлар ҳали олдинда, — деди «Гултепа» маҳалла қўмитасининг раиси Х. Худойбердиев. — Бизнинг ихтиёримизда 176 хонадон бўлиб, 1440 нафар аҳоли яшайди. Ҳозирча барча кўчаларга фаолларни бириктириб, шулар орқали зарур масалаларни ҳал қилаяпмиз. Яқин кунларда пойтахтдаги Абдулла Набиев маҳалласига бориб тажриба ўрганиб келиш ниятимиз бор.

**С. ШОДИЕВ.**

Ҳар бир хонадонда бўлсин

## УЙ ДОРИХОНАСИ

**Ҳаётда фавқулодда ҳодисалар содир бўлиши, жумладан, кишининг у ер-бу ери лат ейиши, жароҳатланиши, хасталаниши мумкин. Ана шундай нохуш вазиятларда уй дорихонасидан оқилона фойдаланиш натта аҳамиятга эгадир. Қутиларда қуйидаги дори-дармонларнинг бўлиши тавсия этилади:**

ВАЛЕРИАНА НАСТОЙКАСИ. Марказий асаб системасини тинчлантиради, юрак ҳаприқиши, юрак қон-томир системасининг неврозида ижобий таъсир кўрсатади. Одатда, настойкадан 20-30 томчиси сувга томизиб ичилади

АСПИРИН. Бу доридан бош оғриётганда, шамоллаш билан боғлиқ бўлган хасталикларда, ҳароратни туширувчи, шунингдек яллиғланиш, неврология, бод ҳамда белланги ҳуружида оғриқ қолдирувчи омил сифатида фойдаланилади.

АНАЛЬГИН, ПИРАНАЛ, АМИДОПИРИН (пирамидон). Оғриқ қолдирувчи, иситма туширувчи, от увушишдан халос қилувчи тиббий воситадир.

БОРАТ КИСЛОТА. Уй дорихонасининг асосий омилларидан бўлиб, антисептик модда сифатида ишлатилади. Оғиз яллиғланганда, милклар, тил, танглай қараш тортганда борат қислотасининг 3 фоизли сув, ли эритмаси билан оғиз бўшлиғи гаргара қилиниши ёки чайилиши мумкин.


МАРГАНЦОВКА. Хўжалигимиз шароитида кўпроқ қўлланиладиган дезинфекциловчи модда. Одатда унинг нимпушти сувли эритмасидан тери, оғиз бўшлиғининг яллиғланиши, милкнинг чақаланишида чайиш, гаргара қилиш учун фойдаланилади.

ЙОД. Йоднинг спиртли эритмаси асосан кесилган, тилинган ёки шилинган тери қисмини зарарсизлантириш учун суртилади.

Уй дорихонасида, булардан ташқари, ҳардал қоғозлари, қон тортувчи қувачалар, иссиқлик ўлчагич, гидрофли стерил ҳамда оддий бинтлар, озода қилиб ўралган пахта, новшадил спирти, қон тўхтатувчи тасма бўлиши шарт.

**Ш. СОАТОВ,**
**доришунос.**

Тоживой тажанг шаҳар кезади



## ЧОЙХЎРЛИК НАСИБ ЭТМАДИ

Яқинда бир юмуш билан Бектемир районига ўтгандим. Шу баҳона танишимни кўриб кетиш учун «Водник» даҳасига бордим. Ўзи 29-уйнинг 9-қаватида яшайди.

— Уй эмас, турган-битганк ташвиш бўлди, — деди у қаерга ўтказишни билмай. — Ўн йилдан бери ремонт қилинмайди.

Шу пайт эшик тақиллаб, бир аёл кириб келди, қўлида човгум.

— Қўшни, кинчинам ичой» деб йиғлаяпти, сув ололмай қолдик. Озгина сув бериб туринг.

— Ана, кўрдингизми аҳволни, дўстимнинг аввойи батгар бузилди. — Кунига ярим соатгина совуқ сув келади, иссиқ сув эса қишдан бери йўқ. Ҳайрон бўлиб, дўстим билан хайрлашмай ташқарига чиқдим. Лифтнинг тугмасини босиб чақирмоқчи эдим, ортимдан келаётган кишининг овози эшитилди:

— Овора бўласиз, лифт кунига икки соат ишлайди, холос.

Фиғоним фалакка чиқиб, пиллапоядан пастга тушиб бошладим. Қаватларда икки қўлида халта кўтарган аёллар, хассага суяна-суяна тепага зўрға чиқаётган қариялар учрарди. Аслида бир ўзим эмас, шаҳар коммунал хўжалиги бошқармасининг мутасаддиларн билан келсам бўларкан, дея ачиндим. Чунки, эшитгандан кўрган афзал, дейишади. Улар ҳам 9-қаватга икки марта пиёда чиқиб-тушсалар, уйни тезроқ созлаб берган бўлармидилар.

**Тожикой акага жизнин**
**С. АБДУЛЛАЕВ ҳамроҳ бўлди.**

Мусаввир табассуми



— Қизимнинг тили заҳар бўлгани билан сени олтин эди-ку, қуда!..

— Газагига шўр бодринг олмабсанларда.

— Хотиндан беркитган пулимиз аранг «яримта»га етди, биродар. Дўппигини исқайверасан-да энди.

— Ҳў, ноинсофлар, маҳалладаги ягона тутни ҳам каллаклаб кетишибди-ку. Энди ниманинг соясида дам оламиз?

— Шу битмаган уйни қачбўл қилаверамизми, Эшматвой?

— Бўлмасамчи, зиёфатни егач қабул қилмай қаерга борардингиз.

**Ш. Субхонов чизган суратлар.**

Янги рукун: «Бир кўрган таниш»

## «ХУШ ОМАДЕД, БАРОДАРОНИ ТОҶИК!»



ПОЙТАХТИМИЗГА ленинободлик бир гуруҳ дўстларимиз ташриф буюришди. Улар орасида Ҳожамдорхон Ҳофиз, Фрунзе, Крупская маҳалла қўмиталарининг раислари ва бошқалар бор эди. Меҳмонларни Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Ш. Р. Шоабдураҳимов қабул қилиб, «Маҳалла» дастури билан таништирди ва ҳозирги кунда маҳаллаларда олиб борилаётган ибратли ишлар ҳақида гапириб берди.

Шундан сўнг тожикистонлик биродарларимиз Собир Раҳимов, Октябрь ва Киров районлари маҳаллаларидаги шароит билан яқиндан танишишди. Уларга айниқса Маннон Уйғур, Абдулла Набиев, Абулқосим Фирдавсий маҳаллаларидаги гузар ҳамда чойхоналар маъқул бўлди. Ленинобод шаҳар Совети ижроия комитети ташкилий бўлимининг мудири Умар Қосимович Каримов ўз таассуротларини шундай ҳикоя қилди:

— Ленинобод шаҳрида 170 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Улар орасида ўзбеклар ҳам бор. Айни пайтда 15 та маҳалла қўмитаси жамоатчилик асосида фаолият кўрсатмоқда. Биз ҳам яқин кунларда «Маҳалла» дастурини ишлаб чиқиб, ҳаётга тадбиқ этиш ниятимиз бор. Бу ерга келиб кўп нарсаларни ўргандик. Очиғи, маҳаллаларда яратилган шарт-шароит ва имкониятлар бизни ҳайратга солди.

Ленинобод шаҳрида ҳам илғор жамоалар талайгина. Ана шундайлардан бири — «Саноат» маҳалласига раҳбарлик қилаётган Эргашбой Ҳошимов билан суҳбатлашдик.

— Тошкент даҳаларида бўлаётган ўзгаришларни «Маҳалладош» рўзномаси орқали кузатиб бораяпмиз, — деди Эргашбой ака. — Энди бу жойлардаги ибратли ишларни ўз кўзимиз билан кўриб, чин дилдан қувондик бўлдик. Мен бошчилик қилаётган маҳаллада 554 хонадон бор. «Саноат» ва «Дўнгимозор» чойхоналарини ҳашар йўли билан қурганмиз. Ҳозир йўлларни асфальтлаш, сув новларини ётқизиш ҳам қизғин бораяпти. Ўзбекистон пойтахтига кириб келаётганда кўчаларнинг чекка-ларидаги мевали дарахтларни кўриб жуда қувондик. Шаҳрингиз бундан ҳам кўркам ва обод бўлсин.

Ленинобод шаҳар маҳаллалар ишини мувофиқлаштириш кенгашининг раиси Эргаш ака Неъматов ўз дил сўзларини шундай изҳор қилди:

— Биз азал-азалдан бир-биримизга қиз бериб, ўғил уйлантириб, қуда-анда бўлиб келган халқмиз. Урф-одатларимиз, қолаверса, маданияту санъатимиз ҳам ўхшаш. Шу боис ўзбек маҳаллаларида тўпланган тажрибаларни ўрганиб, ўзимизда қўллаш учун келдик. Меҳмонлар орасида А. Шамсиев, С. Абдуллаев, А. Раҳимов каби фаол қўмита раислари бор. Маҳаллалар ўртасида бошланган алоқалар икки халқнинг азалий дўстлигини янада мустаҳкамлайди, деб ўйлайман.

Сафар давомида меҳмонларга Тошкент шаҳар маҳаллалар ишини мувофиқлаштириш кенгашининг раиси Қ. Фозилхўжаев ва этнограф олим Б. Аминовлар ҳамроҳлик қилишди. Хайрлашув олдидан ленинободлик меҳмонлар билан ўзаро ҳамкорлик, амалий ёрдам кўрсатиш ҳақида шартнома тузишга келишиб олинди.

**Д. САЪДУЛЛАЕВ.**
**СУРАТДА: ленинободлик меҳмонлар ва шаҳримиз вакилларини кўриб турибсиз.**
**М. Нуриддинов** суратн.

Оила иқтисодиёти

## ГЎШТ ЎЗИМИЗДАН

**Жумҳуриятимиз рўзномаларида эълон қилинган Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримовнинг Фармонида жумҳурият аҳолиси шахсий хўжалигидаги моллар ва паррандаларни ем-хашак билан таъминлаш ҳамда уларда чорвачилик маҳсулотларини кўпайтириш кўзда тутилган.**

— Ушбу Фармон билан танишиб чиққач, ҳукуматимиз раҳбарларидан жуда миннатдор бўлдим. Қаранг, шахсий хўжаликларга сотиш учун турли хилдаги ем-хашаклар ажратилади, талонлар жорий этилади, шартномалар тузилади. Бу — озиқ-овқат дастурини рўёбга чиқариш сари дадил қадам эмасми?

Шахсий хўжаликнинг фойдасини ўз ҳаётий тажрибамдан яхши биламан. Оилада уч киши яшаймиз. Мен 130 сўм нафақа оламан. Умр йўлдошим эса 110 сўм. Ўғлимнинг 40 сўм стипендиясини қўшсак, ҳар ойда ўртача 260-280 сўм маблағ йиғилади, Рўзғор, кийим-кечаклар, тўй-маъракалар... Сўзсиз, шунча сарф-харажатларга маошни етказиш қийин. Оила иқтисодини яхшилаш мақсадида хонадонимизда қўй ҳам боқаяпмиз. Қолаверса, бирор юмуш билан шуғулланмасам зерикиб қоламан.

Илгари ҳар кварталда битта қўй учун райжирқоқўм томонидан 50 килограммдан ем ажратиб бериларди. Ҳозир эса миқдорни чекланмаган. Ўшанда 0-18 тийиндан бўлса, энди 20-25 тийинга айланаяпти. Агар шундай нархда уйга келтириб берилса жуда соз бўларди. Чунки емни қоплаш, машина излаб топиш, ортиш-тушириш биз кексаларга оғирлик қилади. Шулха, кунжара ва омухта емни «Ўзбекбирлашув» ёки агросаноатга қарашли бирорта ташкилот орқали хонадонларга тарқатилишини йўлга қўйиш зарур. Сомон, ҳашак, беда бўйича марказлашган бошқарув жойлари очилиб, пуллик хизмат бўлишини истардик.

Энди даромад ҳақида. Битта қўйдан ўртача 1-1,5 килограмм жун олинади. Ҳар килограмми—6 сўмдан. Агар қўзи яхши боқилса, вазни уч йилда ёғи билан 60 килограммни ташкил этади. Бу—оиламиз кунига 0,5 килограммдан гўшт истеъмол қилса, икки ойга бемалол етади, деган сўз. Қўйлар яхши боқилса ҳар мавсумда қўзилаб, ўрнинг ўрин қўшилаверади. Кўриб турибсизки, чакана нархда гўшт сотиб олишга ҳеч қандай эҳтиёж қолмайди.

**Ю. КАРИМОВ,**
**Октябрь районидаги Янгиобод маҳалласида яшовчи уруш ва меҳнат кексаси, пенсионер.**

Хушхабарлар

### Совғага сарупо

⊙ «ЎЗБЕКИСТОН» маҳалласи аҳлининг ташаббуси билан Киров район Совети ижроия комитети кам таъминланган ва кўп болали оиналарга моддий ёрдам кўрсатди. Маҳалладаги бир неча хонадонга 370 сўмлик болалар кийим-кечаклари тарқатиб чиқилди. Меҳр-шафқат, гамхўрликдан ота-оналар мамнун.

**С. НИШОНОВ,**
**жумҳурият маданият ходимлари малака ошириш институтининг ўқитувчиси.**

### Аввалги номи тикланди

⊙ УЛУҒБЕКНИНГ шогирди, Али-Қушчининг набираси Ҳофиз Кўҳакий ўз замонасининг барча янгиликларидан хабардор бўлган донишманд, иқтидорли олим эди. Собир Раҳимов районидаги «Коммуна» маҳалласи бундан 450 йил муқаддам яшаб, ижод этган ана шу ажойиб инсоннинг номи билан аталарди. Маҳалла аҳлининг илтимосига кўра район Совети ижроия комитети Ҳофиз Кўҳакийнинг номини қайта тиклашга қарор қилди.

**А. УМАРОВ,**
**Ҳофиз Кўҳакий маҳалла қўмитасининг раиси.**

### Қўмитага янги бино

⊙ ОҚҚЎРҒОН маҳалласи, 4-мавзе қўмитаси ҳашаматли бинога эга бўлди. Бу ажойиб масканда бемалол йиғилишлар ўтказиш, ҳужжат ишларини юритиш мумкин. Барча хоналар газлаштирилиб, иссиқ сув билан таъминланган. Ғалаба байрами арафасида эса 8000 сўмлик янги стол, стул, рангли телевизор, палос ва бошқа жиҳозлар келтирилди. Эндиликда бино олдидаги Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган ўғлонлар хотирасига ўрнатилган ёдгорлик атрофида боғ барпо этилаяпти.

**П. АЗИМОВ,**
**Қуйбишев районидаги Оқҳўрғон маҳалласи, 4-мавзе қўмитасининг котиби.**

### Кексаларга алоҳида бўлим

⊙ АКМАЛ Икромов районининг «Қурувчи» кўчасидаги озиқ-овқат дўконини янги бинога кўчиб ўтди. Эндиликда кексаларга хизмат кўрсатадиган алоҳида бўлим ҳам иш бошлади. Унинг хизматидан Ҳамза, «Шарқ Юлдузи» ва Файзулла Хўжаев маҳаллаларида яшовчи кўп сояли аҳоли фойдаланмоқда.

**А. АБДУРАҲМОНОВ,**
**ТошДУ талабаси.**

### Балх тути пишди

⊙ «ОКТЯБРЬ» даҳасидаги Лочин кўчасида бўлган кишн шохлари қайроғоч дарахтидек тарвақайлаб кетган балх тутига кўзи тушади. Ҳозир унинг шира-шира меваси пишиб, тагига тушиб ётибди.

—Мен шу хонадонга келин бўлиб келганимда раҳматли дадам тут иниҳолини ўтқазган эдилар, — деди 12-йўда яшовчи Карима ая Йўлдошева. — Қаранг, 35 йилда ростмана дарахт бўлиб етилди. Меваснин сотмаймиз, ундан маҳалла аҳли ва йўловчилар баҳраманд бўлишаяпти.

**М. УРМОНБЕКОВА,**
**«Маҳалладош»нинг жамоатчи мухбири.**

Маҳалладош
ГАЗЕТА ТАШКЕНТСКОГО ГОРОДСКОГО СОВЕТА ПО КООРДИНАЦИИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ МАХАЛЛЯ.

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 32-уй. Телефонлар: 32-53-66, 33-99-42, 32-54-15.

ЖАМОАТЧИЛИК ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Ҳеч ким, ҳеч нарса унутилмайди

# ЎЧМАС ХОТИРА

— Бугун биз бободларимиз, оталаримиз ўтмишига назар ташлар эканмиз, Улуғ Ватан уруши йилларида кўрсатган матонатлари ҳақида алоҳида гапириш билангина чекланиб қолмай, улардан кам ўгит олаётганимизни таъкидлаш жоиздир. Зеро, йиллар ўтгани сари халокорларимиз сони тобора камайиб бораяпти.

Акмал Икромов районидаги «Уч тепа» маҳалла комитети раиси С. Аъзамовнинг сўзларини тинглаймаку, ҳаёлим эса чойхона ҳовлисига ўрнатилган ёдгорлик тоши, ундаги ёзувларда. «Демак маҳалламиздан Улуғ Ватан урушида 46 нафар киши ҳалок бўлган, ён-атрофимда эса уларнинг фарзандлари, неваралари ўтиришибди».

Нарироқда дока рўмол ўраб олган аёлларни кўриб юрак-бағрим ўртаниб кетди. Томоғимга қандайдир қаттиқ нарса тиқилгандек бўлди. Беихтиёр кўзларимда ёш қалқиди...

— Бугунги кунда маҳалламиздан Улуғ Ватан урушида қатнашганлардан 18 нафари қолди, холос. Қаҳрамонларимиз хотирасини бир минут ўрнимиздан туриб хотирлайлик.

Учрашувга тўпланган 350 нафар киши ўринларидан қалқди.

Кекса уруш ветерани М. Аҳмедовнинг сўзлари ҳам ҳеч кимни бефарқ қолдиргани йўқ. У йиғилганларга ўша суронли йиллар ҳақидаги хотираларини ҳикоя қилиб берди. Жумҳурият раҳм-шафқат ва саломатлик жамғармаси раҳнининг ўринбосари М. Г. Усмонхўжаев, район молия бўлими бошлиғи А. Асомиддинов ва уруш қатнашчиларига совға-саломлар улашдилар.

Маҳалладаги ҳаваскор хоналда ва созандалар Т. Усмонов, Ш. Каримов, М. Илҳомовлар, 14-ўрта мактаб ўқувчилари, 251-болалар боғчаси тарбияланувчилари ўз санъатларини намойиш қилдилар.

**Ш. ҲИДОЯТОВ.**



⊙ **АКМАЛ ИКРОМОВ районидаги 6-поликлиникада 220 уруш қатнашчиси ва 98 байналмиларлчи жангчиларга тиббий хизмат кўрсатилмоқда. Айниқса, маҳаллалардан келиб даволанаётган отахонлар яратилган бундай қулайликдан мамнун бўлишаяпти.**

**СУРАТЛАРДА: поликлиникада қабул пайти.**

**А. Мамадаминов** суратлари.

«Маҳалла» дастури— назоратимизда

# Исроф бўлаётган миллионлар

Мен Кўкча даласида тураман. Маҳалламизнинг шундоққина ёнбошида кўпдан бери тўхтатиб қўйилган қурилиш бор. Бу ерда бир неча бинога пойдевор қурилган, ҳар бирининг узунлиги 100-150 метрдан кам эмас. Баъзиларида биринчи ва иккинчи қаватлар тикланиб ҳам қолган. Айтишларича, 30 гектарга яқин шу майдонда Иваново тўқимачилик комбинатининг Тошкентдаги бўлими — пахтани қайта ишлаш фабрикаси барпо қилинади.

Бундоқ қараганда хайрли иш. Жумҳуриятимиз учун зарур иншоот қурилаётган экан. Ахир, ҳозирги кунда иқтисодимизни кўтарадиган шундай корхоналаримиз йўқлиги ҳақида афсус-надоматлар билан гапирямиз-ку. Шундай экан, нега қурилиш ўн йиллардан бери ташлаб қўйилган, деган ҳақли савол кўнглингизда туғади.


Бизни яна бир нарса — иншоот ўз жойига тушган, ё тушмагани қизиқтиради. Ахир, бу улкан майдондаги қурилиш ашёлари — темир-терсак, бетонлардан тортиб, пишиқ ғиштга қадар бир дунё нарса ивиб, занглаб, уваланиб ётганини кўрган сари жонингиз ачийди. Суриштирсам, қурилишга ҳозирги қадар 18 миллион сўм сарф қилинибди. Демак, ўн йилдан бери халқнинг шунча маблағи ёмғир, қор остида исроф бўлиб ётибди. Бу ахир хўжасизлик эмасми? Устига устак, бир вақтлар обод, гавжум, гўзлор бўлган мискан эндиликда одам юришга кўрқадиган, кимсасиз вайронага айланди. Ўтган йилнинг ўзида 10 га яқин автомашинани ўғирлаб, шу ерга ташлаб кетишди, бошқа хунук воқеалар ҳам юз бериб туради. Агар майдон илгаригидек гулчилик совхозига қарашли бўлганда, ўтган ўн йил ичида 30 гектар ердан озмунча даромад олинармиди?

Масаланинг бошқа жиҳати ҳам бор. Қурилиш майдони Октябрь ва А. Икромов район маҳаллалари оралигига жойлашган. Шундоқ ёнгинаси мактаб, боғча. Шайхи Зайнитдин мозори ҳам яқин. Аҳоли зич жойга катта завод ёки фабрикаларнинг қурилиши энг аввало экологик жиҳатдан нотўғри. Шаҳар табиати, халқ соғлигини ўйлаган одам бу ишни қилмайди. Иншоот битиб ишга тушса, ҳавони бузади, мактаб, боғчадаги болаларимиз соғлигига зарар етказади. Буни лойиҳалаштирган ёки шу ерга қуришни буюрган раҳбарлардан аслида гина қилиб бўлмайди. Сабаби, улар турғунлик даврининг одамлари эди. Бинобарин бундай ишлар маҳаллий халқ — шу корхонанинг чанг-тўзонини ютадиган кишилар билан маслаҳатлашиб қилинмасди. Ҳозир қайта қуриш, ошкоралик-ку! Нега энди мутасадди ўртоқлар халқ фикрини ўрганиб, нобудгарчиликка чек қўймаяптилар? Ўрни келганда СССР Министрлар Советининг йирик корхоналарни шаҳардан четга қуриш, мавжудларини кўчириш ҳақида махсус қарори ҳам борлигини эслатиб ўтиш зарур.

Тошкент шаҳар ижроқўмининг «Маҳалла» дастури билан танишиб чиққач, саломатлик бўлса пойтахтимиздаги кўп ўлда-жўлда ишлар бир кун келиб ўз ниҳоясига етишини ички бир қаноат билан ҳис этасиз. Режалар яхши, ҳамшаҳарларимиз кўнглида тош бўлиб чўкиб ётган кўп гапларни қамраб олган. Ҳужжатда қайд этилганидек, халқ ҳаёти ва соғлиги чиндан ҳам диққат марказида турса (қуруқ гап бўлмаса!). Тошкентда экологияни бузадиган янги корхона қуриш у ёқда турсин, борларини ҳам четга кўчириш керак.

Даҳамизда яшовчилар кўпдан бери маҳаллада фабрика қуриш нотўғри эканлиги, бунинг ўрнига аҳволи танг кишиларга иморат учун ер беришни талаб қилмоқдалар. Шундай имконият бор экан, нега фойдаланмаслик керак?!

**Раззоқ АБДУРАШИДОВ,**
**«Шарқ» маҳалла комитетининг раиси.**



## БИЗГА МАКТУБ ЙЎЛЛАБСИЗ

⊙ **«МАҲАЛЛАДОШ»да пойтахтнинг ўн икки дарвозаси ҳақида маълумот берилаётгани жуда кўнгилдагидек бўлаяпти. «Тошкент деворн» ва «Тошкент жарлари» ҳақида ҳам мақолалар ўқишни истардик.**

**В. РАСУЛОВ,**
**Тошкент шаҳридаги Маҳтумқули кўчасида яшовчи.**

⊙ **ПОЙТАХТИМИЗДА ҳеч вақт яшамай, ажралишиб кетаётган оилалар озмунчами? «Маҳалладош»да негадир шулар ҳақида ёритилмаяпти.**

**С. ҲОЖИЕВ,**
**Киров районидаги «1-Отчопар» маҳалласида яшовчи.**

⊙ **МЕН қишлоқдан келиб, шаҳарнинг кўп қаватли уйида яшаяпман. Шундай бўлса-да, қишлоқларимиз аҳволидан қолишмайдиган маҳаллалар ва кўчаларни кўриб ачиниб кетаман. Рўзномада фаолият юритмаётган маҳалла қўмиталари ҳақида кўпроқ материал бериб борилса яхши бўларди.**

**Т. ҚОДИРОВ,**
**Юнусобод даҳасидаги 55-уйда яшовчи.**

Ҳуқуқшунос бурчаги

## Марҳамат, сўрайверинг

**С. ҚАМБАРОВА: Мен маҳаллада яшайман. Яқинда бир воқеанинг гувоҳи бўлдим. Ярим тунда телефонимиз жиринглаб қолди. Хавотир олиб, гўшакни кўтарсам номаълум кимса милицияга хабар бераётган экан. (Телефон линияга қўшилиб қолган эди). «Тезроқ келақолинглар, ўғрилар ҳозиргина машинадан юкни туширib, бемалол кайфи-сафо қилишаяпти», — деган товуш эшитилиб, уйнинг макони бир неча марта такрорланди. Гўшакни қўйгач, бироз ўйланиб туриб айтилган макон қўшнимизники эканлигини англаб қолдим. Зудлик билан ташқарига чиқиб девордан қарасам уй эгалари ухлаб ётишибди. Ҳовлида эса ҳеч қандай машина йўқ. Шундан сўнг милицияга қўнғироқ қилиб, наряд юборманглар, сизларга нотўғри маълумот беришган, дедим. Айтингчи, қонунда бундай ёлғон хабар берувчи, тарозғўй безориларга нисбатан бирор жазо белгиланганми?**

ЖАВОБ: Жамиятимизда ғаразлик, ўч олиш, кўролмаслик, ичиқоралик мақсадларида одил судлов органларининг нормал ишлашига вақтинча бўлса-да халақит берувчи айрим шахслар учраб туради. Улар билатуриб, атайин ёлғон ва уйдирма хабарларни суриштирув, тергов, прокуратура ва суд органларига маълум қилишади. Бу билан виждонли, софдил кишиларнинг шахсига, қадр-қимматига доғ туширмоқчи, асабини бузмоқчи бўладилар.

Юқорида тилга олинган хатти-ҳаракатлар учун қонунчилик икки йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазолашни кўрсатади. Агар ёлғон хабар бериш давлатга қарши жиноят ёки бошқа оғир жиноятларда айблаш билан боғлиқ бўлса, ғараз ниятда содир этилса, ёки оғир оқибатларга олиб келса икки йилдан беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилинади. (Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 1985 йил 25 март Фармони, Ўзбекистон ССР жиноят кодексининг 160-моддаси).

**Абдужалил ҲАСАНОВ.**

Умрбоқий меросимиз

# ТОВА НОНИ

— Ҳеч това нони еганмисиз? — сўради суҳбатдошим.

— Ҳа, анча бўлди. Болалик пайтларимда еганман.

— Мен ҳам, — деди у ҳаёлга чўмиб. — Чўяндан ишланган товани қаердан топгансиз? Ёки меросми?

Уйимизга келган меҳмоннинг бу саволига жавоб бериш қийин эмасди. Чунки эсимни танибманки, хонадонимизда икки паллали каттакон чўян това бор. Улуғ Ватан уруши йиллари, ундан кейин ҳам анча вақтгача това нонини еб катта бўлганмиз. Ойим кўп эмас, ҳар куни кечки пайт битта нонни пиширib, ўраб эрталабки нонуштага олиб қўярдилар. Унинг бир донаси етти жонли оиламизни бир ўтиришда тўйдирарди. Жуда баракали экан, деб мақтанардик. Қип-қизил, лоладек пишган, бўрсилдоқ, элакдан каттароқ нонни қадрламай бўладими, ахир!

Ойим жуда пазанда эдилар. Бир зувала хамирни ёйиб, това тагига озгина ёғ суртиб, иккинчи палласини ёпиб, чўғга кўмиб қўярдилар-да, маълум бир вақтда олиб очсалар ёқимли нон ҳиди димоғимизга урарди.

— Биз, болалар тўйиб-тўйиб ҳидлаб, ҳузур қилардик. Това—энг қулай, дастёр рўзғор буюми, халқимиз яратган ҳунармандлик санъатларидан биридир. Уйимиздаги товани ойим турмушга чиқаётганда оналари «қизим қийналиб қолмасин» деб совға қилган эканлар. Энди эса, у бизнинг уйимизда. Тўғрисини айтганда, шу пайтгача бирор марта нон пиширмабмиз. Йўқчилик, қийинчилик дамларда асқотганини ҳамон эслаб тураман.

Меҳмон сабабчи бўлиб, товани тозалаб эски ўчоқ олдига элтиб қўйдим. Ўтин, чўп қалаб, ўт ёқишга киришарканман, мактабдан келган болаларим: «Ада, нима қилаяпсиз?» деб сўрашганди, «Това нон пиширамиз», дедим. Улар ҳайрон бўлишди. Озгина ачитқи солиб, ўзимизга яраша хамир қориб, иссиқроқ жойга ўраб қўйдим. Бирор соатдан сўнг хамир ошибди. Ўчоқда чўғ ҳам сероб. Ҳадемай, умр йўлдошим ишдан келиб қолди-ю, қотиб-қотиб кулди. Меҳмон райига қараб, това нон пишираётганимга ҳайрон эди. У ҳам ёрдам бера кетди.

Орадан кўп вақт ўтмай нон пишди. Умр йўлдошим уни патисига қўйиб, дастурхонга тортиқ қилди. Меҳмоннинг севинганини айтмайсизми, унинг кўнглини олганимиздан мамнун эдик. Фарзандларимиз шундан бери това нони сўрайдиган бўлиб қолишди.

**М. АҲМЕДОВ.**
**Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейининг ходими.**

Табиат—ҳаёт чашмаси

# БУ ЕРДА ҚУМРИЛАР САЙРАЙДИ

Пойтахтнинг Ойбек маҳалласида яшовчи бир дўстимникига ҳашарга борган эдим. Кечки пайт тамадди қилиш учун ҳовли этагидаги майса устига жой қилди. Эътибор бермаган эканман, бу ерда катта кўл бўлиб, атрофда қамишлар ўсиб ётарди. Атроф ям-яшил, баҳаво. Шаҳарда шундай ажойиб табиат манзараси борлигига ишонмайсан киши.

— Илгари шу сойликдан сув оқиб ўтарди, — деди дўстим ҳайратга тушганимни сезиб. — Кўп қаватли уйлар қурилгач, унинг ўзани кўмилиб кетди. Фақат озгина қисми сақланиб қолган.

Биз баҳор тароватли, табиат ўзгаллиги ва шаҳар экологияси ҳақида анча гаплашиб ўтирдик. Бир пайт яқиндан ёвойи ўрдакнинг овози эшитилиб қолди. Иккимиз ҳам қамишзор томонга қарадик. Сувнинг устида қора тусли иккита ёввойи ўрдак сузиб юрарди. Мен бу жониворларни очиқ табиатда бундан 20 йил илгари, ўзим яшайдиган хўжаликда кўрган эдим. Ўша кезлари шолизордан Келес дарёсига сув қуйиладиган қамишзор тўқайлар билан тутайдиган жой ёввойи ўрдаклар маконига айланарди. Уларнинг мавж уриб қанот қоқишлари ҳамон кўз ўнгимда.

Кўлнинг қуйи томонида яна иккита ўрдак кўринди. Очиқ ҳавзада улар бир жойга йиғилишиб, гоҳ қанот қоқар, гоҳ шўнғиб, бир-бирини қувиб сузишарди. Дўстим билан жониворларни чўчитиб юбориб, табиатнинг бу завқидан маҳрум бўлишдан қўрқиб, тин олмай ўтирардик.

Буни қарангки, яна бир мўъжиза рўй бердй. Биздан унча олис бўлмаган дарахтзордан шаҳарда деярли учрамайдиган қуш-қумрининг сайрагани эшитилди. «Ка-ку, ка-ку, ка-ку...» Албатта, шу атрофда унинг уяси бўлса керак. Табиатнинг бир бўлаги бус-бутун сақланиб қолган бу маскандан ҳеч кетгим келмасди. Эсаётган баҳор шабадасида қамишлар оҳиста тебранади. Қаердандир ёввойи жийда гулининг хушбўй ҳиди анқийди. Нимадандир чўчиган қурбақалар шалоплаб сувга шўнғийди, кейин яна қирғоққа чиқиб, ғал бермай қуруллайди. Сув ўртасида эса жуфт-жуфт бўлиб сузиб юрган ўрдаклар...

Қуёш қизариб ботди. Уйга қайтарканмиз дўстим ташвишли гап айтиб қолди:

— Ишқилиб қўшниларимиз, маҳалламиз кишилари инсофли бўлишсин-да. Уйлар битиб, кўчиб келишгандан кейин бу кўлни кўмишмоқчи. Шундай гўзал манзара тупроқ остида қолмаса деб қўрқаман.

Табиатга шафқатсизлигимиз ўзимизга завол бўлаётганини бартамиз билиб турибмиз. Энг жўн мисол: Чивин кўпаяди деб, тўқайлар йўқотилди. Бироқ, айни пайтда кўпчилик ҳозир қаерни макон қилишини билмаётган чивиндан безор бўлмоқда. Уйлар қурилаётганда қанчадан қанча тол-тераклар йўқ қилинди. Энди бўлса кун исиши билан хансираб, салқин жой тополмай қоламиз. Ўзимизнинг бебурд ва ношудлигимиз туфайли табиат инъом этган бебақо яшил бойликни топтадик. Бас, етар, инсоф билан иш юритиб, бетакрор манзараларни сақлаб қолиш вақти етди.

Инсон — табиат маҳсули деймиз. Шундай экан, унинг ҳамиша хушҳаво ва кўркам жойларга интилиб яшаши табиий. Тошкент шаҳар табиатини муҳофаза қилиш комитети юқорида тилга олинган ажойиб масканни ўз қарамоғига олса айни муддао бўларди.

**С. ШАМСИЕВ.**

Пиру бадавлатлар даврасида

# АСРДАН ОШГАН УМР

**Тарих музейидаги кўргазмаларни томоша қилаётганимда беш қуроний онахон ва бир қизча акс этган сурат диққатимни жалб этди. Мендаги қизиқишни пайқаган музей ходими шундай деди:**

**— Булар Октябрь инқилобидан илгари Тошкентдаги тош отар воқеасининг бир гуруҳ иштирокчилари. Дарвоқе, қизча суратга қандай тушиб қолганини билмайман-у, аммо ҳозир у ҳаёт, шаҳардаги Оқлон маҳалласида яшайди.**



ТАШҚАРИДАН қаралса, Саргузашт кўчасидаги бу хонадон бошқалардан фарқи йўқдек. Аслида ундай эмас. Робия аянинг аср билан юзлашгани ёши, нуроний чеҳраси онлага алоҳида файз бағишлаб турибди. Онахон билан бир пиёла чой устида суҳбатлашдик.

— Сиз кўрган суратдаги қизча мен бўламан, — деди ая узоқ хаёлга толиб.— Ўшанда ўн икки ёшда эдим. Чоризм зулмидан азоб чекқан ҳалойиқ ғазаб устида кўчага отилганда онам Фазилат Эшқуловага эргашиб мен ҳам кетаверибман. Оқ подшони қўллаган элликбоши ва юзбошиларга қарши роса жанг қизиди. Амалдорларни тошбўрон қилишда аёллар ҳам иштирок этишганини аниқ ёдимда.

**— Ая, 110 ёшга кирган бўлсангиз ҳам ҳали тетик ва бардамсиз. Бунинг сабаби нимада?**

— Кўп пиёда юраман. Назарбекда холам яшардилар. Уларникига ёки бозорга доим пиёда борардим. «Ўтирма—ўтириб қоласан, ётма—ётағон бўлиб қоласан», деб бежиз айтишмаган. Яқинроқ жойга ҳозир ҳам машина кутиб ўтирмайман. Тетиклигимнинг яна бир сабаби, илгари ҳар бир хонадонда боғ ҳовли бўлиб, онланинг асосий тирикчилиги шу жойда ўтарди. Баҳорда шаҳардаги ҳовлимиздан Оқлонга кўчиб келардик. Боғимизда узум навлари, олма, нок, шафтоли, гилос каби мевали дарахтлар бор эди. Қишин-ёзин дастурхонимизда ҳўл мева бўларди. Эндичи, боғлар иморат солиш учун одамларга бўлиб берилган.

**— Невара-чевараларингизнинг ёши 75 нафардан ошибди. Уларнинг кўпчилиги сулола-сулола бўлиб ишлашар экан...**

— Тўғри, хонадонимизда турли касб эгалари бор. Айниқса, чарҳчилар талайгина. Катта куёвим Асадилла шу ҳунар билан шуғулланган учун болалари ҳам унинг йўлидан боришди. Ўндан ортиқ неварам тикувчилик қилишаяпти. Уларга қизларим Раҳима ва Ўлмасойлардан «юққан» бўлса ажаб эмас. Қолаверса, ўзим ҳам уй юмушларидан бўшагач, дўппи, қийиқча, палак, сўзаналар тикардим. Тивит ва пахтадан ип йигириб сотганман.

**— Қизларимизни келинликка тайёрлаш даври, сизнингча қандай ўтиши керак?**

— Илгари қиз бўйига етгунча кўп нарсаларни билиб оларди. Ешлигидан, таом тайёрлаш, тикиш-чатиш, рўзғор ишларини ораста бажариш, меҳмон кутиш, кўйинги ҳовли супуришдан тортиб, сигир согишгача ўргатилган. Биз қизлик пайтимизда алла, ҳатто ёр-ёр айтишни биладирдик. Ҳозир эса кўплаб оилаларда қизларни мустақил турмушга тайёрлашга эътибор берилмаяпти. Оқибатда қайнона-келинлар ўртасида келишмовчиликлар келиб чиқмоқда. «Турмушнинг—мушти бор» дейишади. Бу нақлни оналаримиз ҳеч қачон унутмасликлари лозим.

**— Болалар тарбияси тўғрисида ҳам икки оғиз гапириб берсангиз.**

— Фарзандлар олдида ота-онанинг обрўйи жуда катта аҳамиятга эга. Айниқса, аёл киши оқила бўлса, хонадонда тотувлик ҳукм сураверади. Тобиини болалар дунёга келиши билан бошлаш зарурлиги сир эмас. Ешликдан ота-онанинг сўзига кирмаган, меҳнатга бўйин эгмаган фарзанд вояга етгач, жамиятга наф келтириши қийин. Маҳалланинг болалари учун ҳар бир киши кўз-қулоқ эди. Борабора бундай одат унутилиб, ўрнини лоқайдлик эгаллади. Ўсмирлар орасида турли хил жиноятларнинг кўпайиб боришининг сабабларидан бири шундан. Тошшўлат ўғлим ёлғиз бўлса ҳам, суяги меҳнатда қотди. Уйга ўртоқлари келиб қолса,дарров бирор юмушга унинг қетишарди. Ҳозирги ёшлар эса ҳатто ўз хонадонларида ишлашни хоҳламайдилар.

Ана шулар ҳақида албатта ёзинг, мухбир қизим. Келажак авлод бизнинг ибратли томонларимиздан ўрнак олишсин, дейман.

**Суҳбатдош Д. ЗОКИРОВА.**

**СУРАТДА: Робия ая Абдуқаюмова (ўртада) оила аъзолари билан.**

Соғлиқни сақлаш соҳаси: изланишлар ва муаммолар

# ОНАЛАРГА ҒАМХЎРЛИК ҚИЛАЙЛИК

Акушерлик ва гинекология институти ҳузуридаги поликлиника бир кунда 50 кишини қабул қилишга мўлжалланган бўлиб, аслида эса 500 га яқин беморни қабул қилади. Бу ерга даволаниш мақсадида жумҳуриятимизнинг барча гўшаларидан беморлар келишади. Шифокорларнинг ишлари ниҳоятда кўп, шундай бўлишига қарамай, ўз хоналари йўқ, тўсиб қўйилган йўлакларда ишлайдилар.

Бу ерга турли касалликларга дучор бўлган ва шифокорлар билан учрашиб, уларнинг маслаҳатини олишга илҳақ беморлар келишади. Поликлиника бир неча йўналишда иш олиб боради. Масалан, репродукция маркази оилани режалаштиришга ёрдам бериши керак. Зурриёт марказида эса кўп беморларга она бўлишдек қувончни улашадилар.

Бу ерда яқинда тиббий-генетика маслаҳатхонаси очилди. Унинг ёрдамидан бахраманд бўлган кўп аёллар бедаво ирсий касалликлар билан дунёга келиши мумкин бўлган фарзанд кўришдан халос бўладилар.

Жумҳурият тиббий-генетика маслаҳатхонасининг мудири Х. Мақсудова шундай дейди:

— Афсуски, бизга жуда кечикиб мурожаат этишади, шундай бўлгач касал бола туғилишининг олдини олиш мумкин эмас. Иложи борича ҳомиладор бўлгунга қадар тиббий текширувдан ўтиш керак. Барча аёлларни бошлари қороғи бўлиши биланоқ ультра товуш ёрдамида ўрганиш жуда яхши бўлур эди. Лекин, бундай аппаратлар етарли бўлмаганлиги сабабли буни амалга ошириш ниҳоятда мушкул. Биз фақат хотин-қизлар маслаҳатхоналари йўлланмаси билан келган беморларнигина текшира оламиз. Одатда, қариндош-уруғларига турмушга чиққан, наслидан ўтиш сабабли бирор кор-ҳол рўй бериши мумкин бўлган, шунингдек бола ташлаган, ҳомила она қорнида нобуд бўлган оналар шу жумлага киради. Биз бунинг сабабларини аниқлашга, касал болалар туғилишининг олдини олишга ҳаракат қиламиз.

Афсуски, ёрдам бериш мумкин бўлмайдиган ҳоллар ҳам учрайди. Унда, яхшиси болани туғилишидан воз кечиш маъқуллигини айтиб, оналарни огоҳлантирамиз.

Бизнинг асосий ишимиз ирсий касалликларнинг олдини олишдир. Бизда шу мақсадда диагностиканинг клиника-гинекология услуби, биохимия ва бошқа самарали усуллар қўлланилади. Тошкентдаги иккита туғруқхонада чақалоқларнинг туғилган кунидан бошлаб уларда ирсий касалликларни ўрганишга киришдик. Бунинг учун зарур бўлган диагностика асбобларининг етишмаслиги текшириш усулларини янада кенгроқ қўлланишга тўсқинлик қилмоқда.

Яқин вақт ичида вилоятларда хотин-қизлар маслаҳатхоналари ҳузурида генетикага оид маслаҳатга муҳтож бўлган аёлларни аниқлаш учун 14 та ихтисослашган диагностика хоналари очилади.

Акушерлик ва гинекология институти ҳузурида 270 ўринли касалхона ишлаб турибди. Беморлар бу ерда ўзларига тайинланган даволаш муддатини ўтайдилар. Тўғри, бу жой ҳам жуда кам: навбат кутаётганлар ниҳоятда кўп, уларни жойлаштиришда сусткашлик қилиш эса она ва боланинг соғлиғига жуда ёмон таъсир қилиши мумкин.

Институт акушерлик ва гинекология масалалари юзасидан илмий-методик мувофиқлаштирувчи маслаҳат маркази ҳисобланади. Бу ерда катта илмий ишлар олиб борилмоқда. Ҳозир институт олимлари тадқиқотларининг натижалари асосида районларда минтақада дастлабки реанимация-гематология бригадалари тузилади. Акушерлик ва гинекология илмий-тадқиқот институти мазкур бригадаларда ишлаш учун мутахассислар тайёрлаш методик маркази ҳисобланади. Институт ходимларининг ўзлари оғир ҳодисалар бўлганида кунни-кеча етиб келишади. Ўғри, бу ҳам ҳаётий зарурият.

— Болалик ва ўсмирликдаёқ келажакни ўйлаб иш тутиш, бўлажак оналарни тайёрлаш учун ихтисослашган маслаҳатхоналар очиш зарур. Худди шу ёшда кўп касаллар пайдо бўлиши маълум, бизнинг минтақамизда болалар ўлимининг кўп бўлиш сабабларини эса, асосан оналарнинг соғлиғи ёмонлигига бориб тақалади. Институтимиз Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг филиали ҳисобланади. Биз ҳудди шундай муаммолар билан шуғулланаётган Берлин ва Эрфурт академияларининг олимлари билан қалин ҳамкорлик қиляпмиз. Ҳозир долзарб ишларимиз ҳам, келажакдаги режаларимиз ҳам кўп... Лекин, уларни амалга ошириш анча мушкул — тор бинода жуда қийналяпмиз.

Совет болалар фондининг Ўзбекистон жумҳурият бўлими сингари баъзи жамоат ташкилотлари ҳам акушерлик ва гинекология илмий-тадқиқот институти муаммоларини бартараф этишда қатнашмоқдалар. Болалар уйларининг собиқ тарбияланувчиларини бирлаштирган ижодий ходимлар уюшмаси ремонт тугаганидан сўнг, пешайвонларимизни безаб беришга, кишиларнинг баҳри-дилини очадиган шароит яратишга ваъда қилмоқда... Лекин буларнинг ҳаммаси етакчи илмий тадқиқот ва даволаш муассасаси фаолиятида туб ўзгариш қилишга ёрдам беролмайди.

Институт яқинида эндиликда тугатилган тўртинчи Бош бошқарма қарамоғидаги касалхона, даволаш муассасалари бор. Институт ходимлари қачондан бери орзу қилиб келаётган комплекс бу ерда жуда ҳам яхши жойлашиши мумкин эди. Хўш, бу масалани улар фойдасига нима сабабдан ҳал қилиш мумкин эмас? Ўзбекистонда оналик ва болаликни муҳофаза қилишни аниқравшан яхшилаш фойдасига ҳал этиш савобли бўлур эди...

**Т. КУКЛИНА. [ЎзТАГ].**



Совет мамлакатида

⊙ Ушбу музей олдида обрўли кўргазмалар ўзига жалб этган, тартибни милиция ходимлари сақлаб турган томошабинларнинг кети кўринмайдиган навбатларни учратмайсиз. Музейнинг сара бўлмаса ҳам ўзига хос зиёратчилари бор. Бу ерга яккама-якка уюшган гуруҳ бўлиб театрни яхши кўрадиган, уни яхши биладиган олимлар келиб туришади. Бу — ажойиб рус актрисаси М. Н. Ермолованинг уй-музейидир. Бу ерда музейдагидек, бу ерда ҳам актрисанинг шахсий ва рўзғор буюмлари, портретлари, уй анжомлари тўпланган.

СУРАТЛАРДА: юқорида — М. Н. Ермолованинг грим қиладиган столи; ўнгда — буюк актрисага унинг дўстлари ва мухлислари тақдим этган совғалар.

⊙ И. Пирьевнинг «Трактор-чилар» фильмидаги хат ташувчи Харитоша.., қурилиш билан шуғулланишини хаёлига ҳам келтирмаган эди. Аммо вақт келиб, театр ва кино артисти Владимир Колчинга нафақага чиққанидан сўнг меъморчилик, қурувчилик ва рассомлик қилишга тўғри келди. Владимир Андреевичнинг квартирасини қўлбола тегирмонлар, қўнғироқли миноралар, соатли миноралар безаб турибди. Буларни у дуч келган материаллардан — фанердан, ёғоч пўстлоғидан, музқаймоқ чўпидан ва ҳоказолардан ясаган.

СУРАТДА: Владимир Александрович Колчин ўз уйида.

**Л. Пахомова, Б. Кавашкин, Т. Кузьмина.**

(ТАСС) суратлари.





# СУВЛАРИМИЗ НЕГА ЗАҲАРЛАНЯПТИ?

ГЎЗАЛ Тошкентимиз об-ҳавоси ва яшил оламини назорат қилиш шаҳар табиатини муҳофаза қилиш комитети ходимлари диққат-эътиборида турибди. Ўтган ойларда шаҳримиздаги 28 та саноат корхонасида ва 25 та автотранспорт хўжалигида текширув ишлари олиб борилди. Текширилган 2394 та зарарли моддаларни атроф-муҳитга чиқариш манбаларидан атиги 470 таси газларни тозалаш ускуналари билан жиҳозланган холос, 361 та газларни тозалаш ускуналаридан 8 таси эса ишга яроқсиз бўлиб, 29 таси эса етарли даражада ишламаётганлиги аниқланди.

Шунисн ачинарлики, бир қатор корхоналарда ҳали ҳам атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишлари қониқарли деб бўлмайди. 1-пойабзал фабрикасида (директори А. Тўлаганов) атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишларида бир қатор камчиликлар мавжуд. Текширишлар фабрикадаги 44 та зарарли моддаларни ташқарига чиқариш манбаларидан атиги 18 таси газларни тозалаш мосламалари билан жиҳозланганлигини кўрсатди. Бу ерда ташқарига чиқарилаётган чиқиндиларнинг чегараланган миқдоридан ошиб кетмаслиги назорат қилинаётир. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишларида йўл қўйилган камчиликлар учун фабрика бош инженери М. Ю. Лостикман ҳақида ёзилган ҳужжатлар Фрунзе район ижроия комитетидаги маъмурий комиссияга жўнатилди.

Тошкент заргарлик заводи қошида очилган «Феруза» ширкатида қўл пресси, шамоллатиш ва газларни тозалаш ускуналари билан жиҳозланмаган зарарли моддаларни ташқарига чиқариб ташловчи манбалар ҳисобга олинмаган. Зарарли моддаларни ташқарига чиқариб ташлаш учун рухсатномалари йўқ. Йўл қўйилган бу камчиликлар учун комитетимиз томонидан полистирол ишлаб чиқарувчи цехда ишни тўхтатиб қўйиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Тошкент асбобсозлик заводида (директори М. Н. Галяутдинов) сув тўғрисидаги қонун бузилган. Текширишлар натижасида заводда сувдан фойдаланиш учун махсус рухсатномаларнинг муддати тугалланганлиги аниқланди. Завод территориясида саноат ва маиший чиқиндилар уюлиб ётганлигидан тозалаш иншоотларига яқинлашиб бўлмайди. Ариқлар ҳам тозаланмаган. Ўчта мавжуд айланма сув системасидан биттаси ишлатилмайди. Аввал берилган кўрсатмалар бажарилмайди. Ана шундай камчиликларга йўл қўйилганлиги учун 14-транспорт цехи бошлиғи ўртоқ Шохниёзовга 50 сўм миқдорида жарима солинди.

Шаҳар атмосфера ҳавосини булғатишда автотранспорт воситалари жуда катта «ҳисса» қўшмоқда. Автотранспорт хўжаликларида олиб борилган ишлар натижасида текширилган 531 та автомобилдан 55 таси чиқарган газларнинг заҳарлилик миқдори чегараланган даражадан юқори эканлиги аниқланди. Ўрта Осиё нефть ва газ қурилиш ишлаб чиқариш бирлашмасининг автотранспорт хўжалигида (директори В. В. Котов) ҳам атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишларида камчиликлар бор. Бу комбинатда автомобиллардан чиқаётган қайта ишланган газлар миқдорини ўлчаш мунтазам равишда олиб борилмайди. Диагностика пости ҳам ишламайди. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш режалари йўқ. Комбинат территорияси ёнилғи ва мой билан ифлосланган.

Шаҳримизнинг экологик аҳволи энг аввало, канал ва ариқларимизнинг тоза ва мусаффолигига боғлиқ эканлигини ҳисобга олган ҳолда комитетимиз томонидан Салор каналининг аҳволини ўрганиш бўйича «Экология—90» экспедицияси уюштирилди. Бу экспедиция санитария-эпидемиология станцияси, санитар милицияси, область сув хўжалиги, шаҳар сув хўжалиги ходимлари иштирокида иш олиб борди. Натижада саноат корхоналарида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишларида жиддий камчиликлар мавжуд эканлиги аниқланди. Бу экспедиция ишлари коллегия кенгашида махсус муҳокама қилинади.

Тошкент метросининг «Чкалов» станциясида аҳвол анча мураккаблашди. Ифлосланган ер ости сувлари сатҳини пасайтириш мақсадида қазилган қудуқлар тўла қувват билан ишламади. Тоннель орасидаги ёриқлар орқали ифлосланган сув таркибидаги заҳарли газлар ҳавога ўтиб, метро ишчилари заҳарланганлар.

Ҳозирги кунда ер ости сувларининг сатҳини пасайтириш учун қатъий чоралар, яъни қўшимча қудуқлар қазиш ишлари олиб борилмоқда. Метрополитендаги мураккаб экологик вазиятни ҳал қилиш учун бир неча йиллардан бери ер ости сувларини ифлослантираётган Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида катта тадбирларни амалга ошириш керак. Гражан авиацияси қарашли 243-заводда (директори Н. М. Захаров) қайта ишланган органик эритмаларни йўқотиш масаласи ҳал қилинмайди. Масъулиятсизлик натижасида қайта ишланган, таркибида креолик моддаси бўлган эритманинг шаҳар канализациясига ялпи ташлаш ҳолати содир бўлган. Рўй берган ҳодиса Салор аэрация станциясининг узлуксиз ишлашини таъминлай олмади. Бундан ташқари қайта ишланган таркибида креолик моддаси бўлган эритма завод территориясига тўкиб ташланганлиги сабабли ер ости сувларининг ҳам ифлосланишига олиб келди. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишларига совуққонлик билан қараганликлари учун завод бош инженери А. А. Миндарга 100 сўм миқдорида жарима солинди. Тошкент область Давлат Арбитражи табиатни муҳофаза қилиш қонун-қоидаларини бузганликлари учун Тошкент қоғоз фабрикасидан 27,170 сўм жаримани Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш комитети ҳисобига ундириб берди.

**Ойшахон ҚУРБОНОВА,**
**Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш комитети катта мутахассиси.**

Турмуш чорраҳаларида

# Бир кийимлик атлас

**«Укам Раҳимжон! Хабаринг бор, 16 июнда эллик ёшга тўларман. Шу муносабат билан келинни олиб тезда етиб кел. Ишхонамдагилар, яқин кишиларим билан шу кунни нишонламоқчимиз. Кутаман. Салом билан опанг Нафиса».**

ҚЎЛИМДАГИ мактубни ўқидим-у, хаёлга толдим... Наҳот йиллар шундай тез ўтса!.. Ахир, кечагина эмасмиди, китоб-дафтар талашиб, бўлар-бўлмасга бир-биримиз билан ғижиллашиб, яна ҳеч гап бўлмагандек апоқ-чапоқ бўлишиб, болаларча соддалик билан ота-онамиз бағрида бир уй бўлиб чуғурлашиб юрганларимиз! Ахир, кечагина эмасмиди, онажонимизнинг табаррук эллик ёшлари нишонланаётган бир пайтда, мана шу опамлар бир уй қавму қариндошлар даврасида у кишини мулзам қилганлари...

Ўша воқеани бир умр унутмасам керак. Мактабдан келганимда уй тўла одам — деярли ҳамма қариндош-уруғлар йиғилишган. Ойижоним уй тўрида бекалардек савлат тўкиб ўтирибдилар. Ёш жигаргўшалар хизматда... Отамиз қўша-қўша кириб келаётган меҳмонларни қўл қовуштириб кутиб олиш билан бандлар. Ҳамманинг қувончи ичига сиғмайди, ҳовлимизда қандайдир ўзгача бир тароват. Келин ойимиз келтирилган совға-саломларни тартибга солиш, эга-эгаларини топиб саранжомлаш билан оворалар.

Шу пайт Нафиса опамлар у киши саранжомлаб қўйган тахлам орасидан чўгдек ёниб турган бир кийимлик атласни суғуриб олдилар-у, югурганларича, меҳмонлар даврасида ўтирган онажонимизга қарата:

— Ойи, буни қаранг, қандай чиройли атлас! Албатта сизнинг ёшингизга тўғри келмайди, менга тиктириб берасиз-а? — дедилар ўйламай-нетмай.

Ҳамманинг нигоҳи опамларга қадалди...

Ўшанда опамлар эндигина ўн саккиз ёшга кирган эдилар. Билмадим, бу биргина ножўя айтилган сўзлар она қалбини пора-пора қилиб юборганлигини шу дақиқада опам тушуниб етдиларми, йўқми! Ҳар ҳолда, «бола — бошидан» деган иборада жон борга ўхшайди, чунки ўн саккиз ҳам анча етук ёш. Бу ёшда фарзанд, айниқса қиз бола олди-ортига қараб гапириш, иболи бўлишга ақли етиб қолган бўлади...

Ўша куннинг эртасига, ёдимда, опамлар Нафиса опамларни ёнларига ўтказиб: «Қизим, кечаги гапингни мана бугун ҳам ўзимга ётиғи билан айтсанг бўларди-ку, сал беодоблик қилдинг-да, меҳмонлар олдида анча мулзам тортдим, бундан кейин кичкина бўлмайсан, ҳар бир гапингни ўйлаб гапиришни ўрган», деганларини биламан, опам яна бобиллашга тушдилар:

— Вой-бў, намунча? Буларнинг ҳаммасини гўрингизга орқалаб олиб кетармидингиз! Тиктириб берасиз, дедимми, тиктирасиз — вассалом!

Онамлар бошқа бирор сўз айтмадилар... Фақат опамлар чиқиб кетганларидан кейин, мени бағриларига тортиб: «Ишқилиб шу қизим тушган жойида тиниб-тинчисинда, сал тили тезроқ опанг тушмагурнинг», деганларини биламан, юзларимга илиққина кўз ёшлар томчилади... Астагина бағриларидан сидирилиб кўчага чиқиб кетдим.

Орадан кўп ўтмади. Онажонимиз опамларнинг «тиниб-тинчиганларини» ҳам, бир бечора йиғитни бадном қилганлари, икки норасидани ўз оталаридан тирик етим қолдириб, қайта турмуш қилиб у кишини ҳам қон қақшатганини ҳам кўра олмадилар. Қутлуғ эллик ёшдан кейин, атиги олти йилгина умр кўриб оламдан ўтдилар...

Мана, ўша мудҳиш воқеага ҳам йигирма олти йил бўлибди... Бугун эса... қўлимда мана бу таклифнома. Нима қилсам экан?.. Ҳар ҳолда боришим шарт. Чунки, нима бўлган тақдирда ҳам жигарчилик...

Шундай қатъий қарорга келдим-у, ошхонага — паринниг олдиларига чиқиб мактубни кўрсатдим...

— Вой, қандай яхши! Тошкентга бормаганимизга ҳам анча бўлди, баҳона билан опамларни, жияларингизни ҳам кўриб келадиган бўлдик. Буни қаранг, худди билгандек, бир кийимлик атлас олган эдим-а! Жуда опамлар бопидан. Қутлуғ ёшларида яйраб киядиган бўлдилар...

Бу гапларни эшитдим-у, ўзимни аранг тутиб қолдим. Хайрият, пари опамларни кўрмаган, қачонлардир Нафиса опаси бир кийимлик атлас деб она қалбини вайрон қилганлигидан бехабар... Шунисига ҳам шукур...

Лекин жияним Наима ҳам ўн саккиз баҳорни қаршилаб қолди, у ҳам атлас кийиб ял-ял ёниб юрадиган ёшда...

**Рустам САИДОВ,**
**СССР Журналистлар уюшмасининг аъзоси.**


РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

## ОҚ ЙЎЛ, ДЎСТЛАР!

**КАЛЕНДАРДА БАҲОРНИНГ ОХИРГИ МАЙ ОЙИ. ҲАДЕМАЙ ЁЗ — ОТПУСКАЛАР МАВСУМИ БОШЛАНАДИ! ЁЗ ДАМ ОЛИШ ВА МИРИҚИБ ҲОРДИҚ ЧИҚАРИШ, КУЧЛАРНИ ҚАЙТА ТИКЛАШ, СИҲАТ-САЛОМАТЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ, АЖОЙИБОТЛАР ОЛАМИГА НАЗАР ТАШЛАШ ИМКОНИНИ БЕРАДИ.**



Саёҳат-сайр йўлланмаларини сотиш бюроси ўз уйи яқинида ҳордиқ чиқаришни маъқул кўрадиганларга қуйидаги маршрутларни таклиф қилади:

«ЯНГИОБОД» САЁҲАТЧИЛАР БАЗАСИГА **10 кунга, 1, 11, 21 июндан Баҳоси — 80 сўм.**

«КУМУШКОН» САЁҲАТЧИЛАР БАЗАСИГА (Паркент). **10 кунга, июндан августгача. Баҳоси — 57, 70, 81 сўм.**

«САНЗОР» (Жиззах) САЁҲАТЧИЛАР БАЗАСИГА. **10 кунга, июндан августгача. Баҳоси — 90 сўм.**

«ОЙДИН КЎЛ» (Наманган) САЁҲАТЧИЛАР БАЗАСИГА. **15 кунга, 2 кишилик оилаларга, 25 май, 9, 24 июнь, 8, 22 август, 7, 22 сентябрдан. Баҳоси — 248 сўм.**

**Уч кишилик оилаларга, 26 май, 10, 25 июнь, 10, 25 июль, 9, 24 август, 8, 23 сентябрдан. Баҳоси — 372 сўм.**

«ЧИМЁН» САЁҲАТЧИЛАР КОМПЛЕКСИГА **3 кунга, 20 май, 13 июнь, 16 июнь, 19 июнь, 22 июнь, 25 июнь, 28 июнь, 1 июль, 4 июль, 7 июлдан. Баҳоси — 20 сўм.**

**Йўлланма баҳосига овқатланиш, жойлашиш, сайр хизмати харажатлари киради.**

Барча масалалар юзасидан қуйидаги маконга мурожаат қилинг: 700011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 69 «а» (метронинг «Пахтакор» станцияси). Телефон 44-12-92.

**Саёҳат-сайр йўлланмаларини сотиш бюроси.**

**ТОШКЕНТЛИКЛАР ДИҚҚАТИГА!**

Октябрь районининг Генерал Узоқов кўчасида радио-суратга олиш моллари, ёзув-чизув қуроллари ва ўйинчоқлар билан савдо қилувчи

**ЯНГИ 20-МАГАЗИН ОЧИЛДИ**

Магазиннинг иш вақти: соат 10 дан 19.00 гача.

Танаффус — соат 14 дан 15.00 гача.

Дам олиш куни — якшанба.

Транспорт: 7-трамвай, 20-троллейбус. «Беруний» майдони» бекати.

**ТОШКЕНТ МАДАНИЙ МОЛЛАР САВДО ТАШКИЛОТИ.**

**21 МАЙДАН ШАҲАР КИНОТЕАТРЛАРИ ЭКРАНЛАРИГА ҚУЙИДАГИ ЯНГИ БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР ЧИҚАРИЛАДИ**

**«БЕНУҚСОН ЖИНОЯТ»**



**З. Юрьевнинг «Тўлиқ қайта ишлаш» романи мавзуида. Сценарий муаллифи — З. Юрьев.**
**Ролларда: А. Бокач, В. Стеклов, Е. Проклова ва бошқалар.**
**М. Горький номидаги киностудия маҳсулоти.**

Бу ҳаёлот ва воқелик бир-бири билан чатишиб кетган саргузаштли фильмдир. Унда фан ва техника ютуқларидан баъзан қандай қилиб инсонпарварликка зид мақсадларда фойдаланилиши ҳақида ҳикоя қилинади.

**«ГУ-ГА»**



**Сценарий муаллифи — А. Усов.**
**Ролларда: А. Волков, Н. Холошин, А. Кулагин ва бошқалар.**

**Одесса киностудияси маҳсулоти.**

Бу жарима батальонига тушиб қолган ёш аскар ҳақидаги руҳий драмадир.

**КИНОФИЛЬМЛАРНИ ИЖАРАГА БЕРИШ ТОШКЕНТ ШАҲАР ИДОРАСИ.**

**«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.**



**УКРАИНА ССР. Запорожье шаҳридаги «Запорожприбор» заводи «Барьер—2М» деб номланган тезлик ўлчагич ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Бу прибордан транспорт воситаларининг йўлдаги ҳаракат тезлигини назорат қилиш учун фойдаланилади. Унинг буюртмачиси — СССР Ички ишлар вазирлигининг Давлат автомобиль инспекцияси бошқармасидир.**

**СУРАТДА: йиғувчи-слесарлар бригадири И. А. Волков приборларни жўнатишга ҳозирлаяпти.**

**А. Красовский (ТАСС) сурати.**

# НАЖОТ «ҚОП»И

**АМЕРИКА АВТОМОБИЛЛАРИ ХАВФСИЗ БЎЛИБ БОРАЯПТИ.**

640-катта йўлда соқчилик қилаётган виржиниялик полициячи Гэри Доусон бир-бири билан тўқнашиб кетган икки енгил автмобилни биринчи бўлиб кўрди. Уларнинг иккаласи ҳам қизил рангда, иккаласи ҳам «Крайслер» маркали, иккаласи ҳам «Лебарон» моделига мансуб эди. Фақат бирининг усти очиқ, иккинчисиники ёпиқ эди. Аммо буларнинг ҳаммасини у дақшатли фалокатга учраган машиналарни кўздан кечирганидан сўнг аниқлади. Сабаби, даставвал унинг кўз ўнгида абжағи чиққан икки металл уюмигина намоён бўлганди. Унинг ҳикоя қилишига қараганда, ўша пайт хаёлига энди кечқурун ҳайдовчиларнинг ҳалок бўлгани ҳақида қариндош-уруғларини хабардор қилишдек оғир вазифа олдимда турибди, деган фикр келган экан.

Аммо воажаб, Доусон қайси кўз билан қарасинки, иккала ҳайдовчи — 39 ёшли Прицилла Ванстилэнт ҳам, 22 ёшли Рональд Вуди ҳам, мутлақо шикастланмаган деб бўлмасада, соппа-соғ, мустақил равишда ўз оёқлари билан ҳаракат қилиш даражасида экан. Уларнинг тирналган ерларига дори суртишга тўғри келди холос. Машиналарнинг аҳволини кўриб, бундай оқибатни тасаввур ҳам этиб бўлмасди. Аммо бу мўъжиза эмас, шунчаки тарихий воқеа эди холос: Америка автомобиль йўллари тажрибасида биринчи марта дамлама «хавфсизлик қопи» билан таъминланган машиналар юзма-юз тўқнашиб кетди.

«Хавфсизлик қопи»нинг иш принципи қуйидагича. Тўқнашиш пайтида руль колонкасидан юпқа, аммо жуда мустаҳкам пластик қоп «отилиб чиқади», у секундининг 1—27 улушида зарарсиз нитроген гази билан тўлади. Ана шу қоп олдинга отилган жисмни ўзига қабул қилиб олади, зарбани юмшатади, айниқса хавфсизлик камарини тақишни унутиб қўйган одамни жароҳатланишдан асраб қолади. Ўз вазифасини ўтаб бўлган «қоп» дарҳол газни чиқариб юборади ва фалокатга учраган, ҳар дақиқада портлаб кетиши мумкин бўлган машина ҳайдовчисига тезда машинадан чиқиб олиш имконини беради.

Шундай қилиб, иккала машина «қоп» билан жиҳозланганлиги туфайлигина икки кишининг ҳаёти сақлаб қолинди. «Крайслер» компаниясининг бошлиғи Ли Айакокка ана шу ҳодисадан фойдаланиб, ўз фирмаси автомобилларининг пишиқпухталиги ва хавфсизлигини кўкларга кўтариб, катта реклама томошасини уюштирди.

Умуман, инсон ҳаётини сақлаб қолишнинг ана шу самарали воситаси кўпдан бери мавжуд. АҚШ йўлларида елиб юрган 189 миллион турли-туман автомобиллардан 2,5 миллионтаси ана шундай воситалар билан жиҳозланган. Аммо, бундай ишлар шу вақтга қадар алоҳида (мўмайгина) ҳақ эвазига бажариларди. Бу йилдан эса махсус қонун кучга кираяпти. Ана шу қонунга мувофиқ автомобилсозлик саноати енгил машиналарни мажбурий равишда «хавфсизлик қопи» билан жиҳозланган ёки олдинги икки ўриндиқдаги икки йўловчи учун автоматик ишлайдиган камарлар билан жиҳозланган ҳолда ишлаб чиқаришлари лозим. Бундай камарлар дангаса ва хаёли паришон йўловчиларни хоҳласалар ҳам, хоҳламасалар ҳам ўриндиққа маҳкамлаб қўяди. «Хавфсизлик қопи» бўлмаганда Рональд Вуди 23 ёшга етмай оламдан ўтарди, сабаби 12 мартдаги воқеага қадар у камардан фойдаланишга одатланмаган эди. Тўқнашув пайтида камар тақмаган ҳайдовчи ўқдек отилиб кетиши ва бу қандай оқибатларга олиб келиши яхши маълум.

**(«Труд» рўзномасидан).**

Наботот оламида

# Чеҳрани очадиган неъмат

ЗИРА икки ёки кўп йиллик ўт ўсимлик бўлиб, соябондошлар оиласига мансубдир. Поясининг баландлиги 30—80 сантиметрга етади. Барги туксиз, уч бўлакли, банди билан ўрнашади. Гулларн оқ ёки пушти ранг бўлади. Май-июнь ойларида гуллайди. Меваси июль-августда пишади. Тоғ ёнбағирларида, буталар орасида, ариқ бўйлари атрофида ўсади. Зира Ўрта Осиё, Кавказ, Жанубий Сибирь, Украина, Молдавия, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистонда кўпроқ учрайди.

Зира уруғини Шарқда кенг кўламда қўллашади. Уни таомларга, қовурилган гўштга махсус солинади. Бунда гўшт хушхаъм, ҳузурбахш бўлади. Зира уруғи алкоголсиз салқинлантирувчи ичимликлар ва колбаса маҳсулотлари тайёрлашда хушбўйлик бериш учун ишлатилади. Улуғ Ватан уруши даврида тоғлик аҳоли зира ўсимлигининг ер ости қисмидан хомлигича ёки майдаланган ҳолда нон тайёрлаб, таом сифатида ишлатишган.

Табобатда зиранинг меваси ишлатилади. Меваси таркибида турли маъданлар ва фойдали моддалар бор. Буюк аллома Абу Али ибн Сино бундай ёзган эди: «...Зиранинг суви билан ювилса, юзни тиниқ қилади, унинг олиниши ва истеъмол этилиши, маълум миқдорда бўлиши керак, агарда кўп истеъмол қилинса, юзни сарғайтиради. Жароҳатларни яхши битиради. Зирани сирка билан эзиб искаганда, шунингдек уни эшиб-бураб бурунга тиқилганда бурун қонашини тўхтатади...»

Зира уруғи меъда сурункали хасталигида, ичак, жигар, буйрак тош касалликларида малҳам бўла олади. Уруғидан тайёрланган чой иштаҳани очади. Бу зирачой қуйидагича тайёрланади: бир литрли ҳажмдаги идишга қайноқ сув, ярим чой қошиқ зира уруғи, кўк ёки қора чой солиб дамланади. Паст оловда 10 дақиқа мобайнида қайнатилади. Сўнг чой сингари таомдан олдин ёки кейин ичилади.

Зира меваси турли доривор йиғма-чойлар таркибига киради.

Меъда ширасн юқорн бўлган кишилар зирани эҳтиётқорлик билан қўллашлари даркор.

**Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ, фармоналик доришунос.**

**Муҳаррир Э. М. ЭРНАЗАРОВ.**

# РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

## ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

**Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирлиги**

**П. Ф. БОРОВСКИЙ НОМЛИ ТОШКЕНТ ШАҲАР МЕДИЦИНА БИЛИМ ЮРТИ**

**1990—1991 ўқув йили учун**

### ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ЎРТА МЕДИЦИНА ХОДИМЛАРИНИ ТАЙЁРЛАЙДИ.

**10-синфни тугатганлар қуйидаги бўлимларга қабул қилинадилар: Ҳамшира иши** (Тиббиёт ҳамшираси). **Ўқиш муддати 1 йилу 10 ой.**

**Даволаш иши** (фельдшер). **Ўқиш муддати 2 йилу 6 ой.**

ҲУЖЖАТЛАР 1 ИЮНДАН 31 ИЮЛГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ: **она тили** (ёзма), **биология** (оғзаки).

Кечки бўлимга 10-синфни тугатган ва медицина муассасаларидан бирида ишловчилар қабул қилинадилар.

ҲУЖЖАТЛАР 17 МАЙДАН 15 СЕНТЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ: **она тили (ёзма), биология** (оғзаки),

**Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак:** талаб қилинадиган форма бўйича ариза, ўрта маълумот ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси, 086/У формадаги медицина справкаси, меҳнат дафтарчасидан кўчирма ёки колхозчининг маъмурият томонидан тасдиқланган дафтарчаси (ҳақиқий иш стажига эга бўлганлар, кечки ва сиртқи бўлимга кирадиганлар ҳам кўрсатадилар). 4 та 3х4 см ҳажмидаги расм.

Паспорт (туғилганлик ҳақида гувоҳнома), ҳарбий хизматга алоқадорлик ҳақидаги ҳужжат қабул комиссиясига шахсан кўрсатилади.

ЎРТА МАХСУС БИЛИМ ЮРТИГА ҚУЙИДАГИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР: **кундузги бўлимга 30 ёшгача, ишлаб чиқаришдан ажралмай ўқийдиганлар — ёшдан қатъи назар қабул қилинадилар.**

**Қўнимгоҳ: 700064, Тошкент шаҳри, Боровский кўчаси, 8-уй (1, 2, 3, 4, 5, 13, 22, 25, 28-трамвайларнинг «Санъат музейи», 1, 5, 8, 10, 17-троллейбусларнинг «Тошсовет касалхонаси» бекатлари).**

---

**Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазирлиги**

ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛИ, МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ 1-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

**1990-1991 ўқув йили учун**

**ЙИГИТ-ҚИЗЛАРНИ**

### ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

**ЎҚИШГА 8-10 СИНФЛАРНИ БИТИРГАН ВА СОВЕТ АРМИЯСИ САФЛАРИДАН ЗАПАСГА БЎШАТИЛГАН ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА УНИНГ АТРОФИДА ЯШОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.**

**Билим юрти темир йўл транспорти учун қуйидаги ихтисосликлар бўйнча кадрлар тайёрлайди:** тепловоз машинисти ёрдамчиси, электровоз машинисти ёрдамчиси, контакт тармоқлари электромонтёри (10-синфни тугатганлар).

**Ўқиш муддати — бир йил;**

Тепловоз машинисти ёрдамчиси, электровоз машинисти ёрдамчиси, контакт тармоқлари электромонтёри, токарь, электр-газ пайвандчиси, автослесарь (8-синфни тугатганлар),

**Ўқиш муддати — уч йил.**

Уч йиллик ўқишга қабул қилинганлар текин овқат, кийим-бош билан таъминланадилар. Уларга база корхонасида ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақининг 50 фоизи тўланади. 8-синфни битириб ўқишга кирганлар танлаган ихтисосини эгаллаш билан бир қаторда ўрта маълумот олишни ҳам давом эттирадилар. Ўқув курсини тугатганларидан сўнг уларга эгаллаган ихтисосига кўра ва ўрта маълумот олганлиги ҳақида диплом берилади.

**Ўқиш вақти иш стажига қўшиб ҳисобланади.**

Аълочилар олий ўқув юртлари ва ўрта махсус ўқув юртларига йўлланма оладилар.

Билим юрти ётоқхона, спорт комплексига эга, техника ижодкорлиги ва бадиий ҳаваскорлик тўгараклари ишлаб турибди.

**Ўқиш рус тилнда олиб борилади.**

Билим юртини тугатганлар темир йўл транспорти ходимларига бериладиган барча имтиёзлардан фойдаланадилар, шу жумладан бир йилда бир маротаба Совет Иттифоқининг истаган ерига текинга бориб келишлари мумкин.

**Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар зарур:** паспорт (ёки туғилганлик тўғрисида гувоҳнома), маълумоти ҳақида ҳужжат, турар жойидан, ота-онасининг иш жойидан справкалар, характеристика, ариза, 8 та фотосурат (3х4), эмланганлиги ҳақида мактабдан справка.

**УҚИШ — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.**

Бизнинг манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Слоним кўчаси (3, 23-трамвайларнинг «М. Ашрафий кўчаси» бекати).

Телефонлар: 96-08-42, 96-04-72.

---

**Узбекистон ССР Халқ таълими вазирлиги «Главташкентстрой»нинг ЭКОБД ва 8-трести базасидаги**

5-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

**1990-91 ўқув йилига**

### ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

**қурувчи-дурадгорлар, бўёқчилар** (қурилиш бўйича), **электр-пайвандчи усталар, кошинкор-плиточи-мозаикачилар, ғишт терувчилар, слесарь сантехник, қурилиш машиналарини ремонт қилувчи слесарлар, электрчилар.**

Ўқиш муддати 6 ой ва 10 ой бўлган группаларга 11-синфни тамомлаган ва Совет Армияси сафидан қайтганлар қабул қилинади. 9-синфни тамомлаганлар учун ўқиш муддати 3 йил.

Битирувчилар ўрта маълумот ва эгаллаган касблари тўғрисида диплом оладилар.

Ўқувчилар кунига уч маҳал бепул овқат ҳамда кийим-бош билан таъминланадилар.

Ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида иш ҳақининг 50 фоизи берилади. 6 ойлик ва 1 йиллик группаларга қабул қилинган ўқувчиларга эса ҳар ойда 76 сўм миқдорида стипендия тўланади. Ўқиш муддати узлуксиз меҳнат стажига қўшилади. Бошқа шаҳарликлар ётоқхона билан таъминланадилар. Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. Билим юртини тугатганлар техникум ва олий ўқув юртларига киришда имтиёзлардан фойдаланадилар. Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар олий ва ўрта ўқув юртларига ўқишни давом эттириш учун юбориладилар.

Ўқишни тугатганлар «Главташкентстрой»га ишга юборилади ва ётоқхона билан таъминланадилар. Армия сафидан келганлар доимий шаҳар рўйхатига қўйилади ва навбат бўйича турар жой билан таъминланадилар.

**Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:** билим юрти директори номига ариза, таржимаи ҳоли, характеристика, маълумоти ҳақида гувоҳнома, турар жойидан справка, медицина справкаси (086/У), 3х4 см ҳажмдаги 6 дона фотосурат.

**Билим юрти маскани:** Тошкент шаҳри, Ленин райони, Астрахань кўчаси, 12-уй, 1-трамвай; 22-автобуснинг «Дегтярев кўчаси» бекати. Телефонлар 91-26-47, 96-29-50.

---

**Ўзбекистон ССР халқ таълими вазирлиги**
**Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси**
**Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш вазирлиги базасидаги**

14-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
**1990—1991 ўқув йили учун**

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

### ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Электр-газ пайвандчилар; кенг профилдаги станокчилар; слесарь-сантехник, газ пайвандчилар; технологик қурилмалар ва металл конструкциялари монтажи бўйича слесарь-монтажчилар; автомобиллар ремонти бўйича слесарлар; электр-газ пайвандчилар ихтисоси билан бирга «В» ва «С» категориядаги автомобиль ҳайдовчилар.

**ЎҚИШГА 15 ВА УНДАН КАТТА ЁШДАГИ 9-11 СИНФ МАЪЛУМОТИГА ЭГА БЎЛГАН ЁШЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

**Ўқиш муддати — 10 ой ва 3 йил.**

3 йил муддат билан ўқиётган ўқувчилар тўла давлат таъминотида бўладилар, улар 3 маҳал бепул овқат, кийим-бош билан таъминланадилар.

Билим юртини тугатганларга ўрта маълумот тўғрисида ва касб эгаллаганлиги ҳақида диплом ҳамда мутахассислик даражаси (разряди) берилади.

10 синф маълумотига эга бўлган ўқувчиларга ойига 30—76 сўмгача стипендия тўланади.

Ишлаб-чиқариш тажрибаси (практикаси) даврида ҳамма ўқувчиларга иш ҳақининг 50 фоизи тўланади.

**ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ**
**ЎҚИШ ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.**

Билим юртини аъло баҳоларга тамомлаганлар олий ва ўрта махсус ўқув юртларига имтиёзли шартлар билан ўқишга кириш имкониятига эгадирлар.

БИЛИМ ЮРТИНИ БИТИРГАН ЎҚУВЧИЛАР ЎЗБЕКИСТОН ССР МОНТАЖ ВА МАХСУС ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ ТРЕСТЛАРИГА ИШГА ЮБОРИЛАДИЛАР.

**МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.**

**Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:** Директор номига ариза; туғилганлик тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт; маълумоти ҳақида гувоҳнома (асл нусхаси); яшаш жойидан справка; медицина справкаси; 6 дона фотосурат (3х4 см).

Бизнинг манзилгоҳимиз: 700073, Тошкент шаҳри, Ҳамза райони, Оқдарё кўчаси, 122-уй. (12, 52, 68, 111, 183-автобуслар; 5, 26-трамвайларнинг «Ёг-мой комбинати» бекати; 26, 161-автобусларнинг «Жамила» дўкони бекати). Қабул комиссияси. Телефон: 91-33-94.

---

**Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси**

26-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

**қуйидаги мутахассисликлар бўйича**

### ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

**Чинни шаклини тайёрловчи, чиннини механик усулда безовчи, чиннига шакл берувчи, чиннини терувчи, чинни ни пиширишга тайёрловчи, автомат станокларда ишловчи оператор.**

**Юқоридаги касблар бўйнча ўқиш муддати — 6 ой.**

**Ўқишга 17 ёшдан 35 ёшгача бўлган хотин-қизлар ҳамда ҳарбий хизматни тугаллаган йигитлар қабул қилинадн.**

**Ўқишга қабул қилинганлар 85 сўм стипендия билан таъминланади.**

Қўшимча ишлаб чиқариш вақтидаги иш ҳақи тўлиқ берилади.

**Шунингдек, ўрта мактабнинг 9—11 синфини тугаллаган ёшлар қуйидаги мутахассисликлар бўйича**

**ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ**

**Заргарлик, чиннига шакл берувчи.**

**Ушбу касблар бўйнча ўқиш муддати 9-синфни тугатганларга 2 йил, 11-синфни тугатганларга 1 йил.**

**Чиннини сараловчи, чиннига зарҳал берувчи.**

**Ушбу касблар бўйнча ўқиш муддати 9-синфни тугаллаганларга 3 йил, 11-синфни тугаллаганларга 1 йил.**

2-3 йиллик муддатга ўқишга қабул қилинганлар бепул кийим-бош, уч маҳал иссиқ овқат билан таъминланадилар.

1 йиллик муддатга ўқишга қабул қилинганлар 45 сўм стипендия билан таъминланадилар.

Ўқишга қабул қилинганлар қўшимча ишлаб чиқариш практикасидаги иш ҳақининг 50 фоизини оладилар.

**Ўқиш муддати узлуксиз меҳнат стажига киради.**

Билим юртида заргарлик ҳунарини эгаллаган ўқувчилар Тошкент заргарлик заводига, чинникорлик ҳунарини эгаллаган ўқувчилар Тошкент чинни заводига ишга жойлаштирилади.

**Билим юртига ўқишга имтиҳонсиз қабул қилинади.**

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар олий ўқув юртларига имтиёзли равишда қабул қилинади.

**Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.**

**Билим юртига ўқишга Тошкент шаҳрида ва Тошкент областининг Тошкент ва Калинин районида яшовчи йигит-қизлар қабул қилинади.**

**Билим юртига ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим:** директор номига ариза, туғилганлиги ҳақида гувоҳнома, маълумоти ҳақида гувоҳнома, турар жойидан справка, медицина справкаси, 6 дона фотосурат (3х4 см), таржимаи ҳоли, ота-онасининг иш жойидан справка.

Билим юрти қўнимгоҳи: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов райони, Сағбон кўчаси, 17-боши берк кўча, Телефонлар: 40-30-36, 40-30-38. (100, 166, 76, 59-автобусларнинг «Қўш тут» бекати).

---

**Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси,**
**Табиатни муҳофаза қилиш комитети ва**
**Тошкент шаҳар жамияти**

**20 МАЙ СОАТ 11 ДАН БОШЛАБ**

ЛЕНИН КОМСОМОЛИ НОМЛИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА

**ШАҲАР ТАБИАТ БАЙРАМИНИ ЎТКАЗАДИ**

ПРОГРАММАДА: «Камалакнинг ҳамма ранглари» — табиат кўргазмаси. Унда сиз сайроқи ва манзарали қушларни, аквариум балиқларини, наслдор ит ва мушукларни, гербарийлар, сўзаловчи тўтиқушлар, кабутарлар, боғдорчилик совхози, Ботаника боғи, «Тошкент гуллари» фирмаси, ёш натуралистлар станцияси, Тошкент ҳайвонот боғи ва шаҳар мактаблари ўқувчилари иштирок этадилар.

Байрамда сайроқи ва манзарали қушларнинг халқаро конкурслар совриндорлари—З. С. Отабекова, В. П. Петров, республика ва шаҳар конкурслари совриндорлари Ш. Шарофутдинов, В. Янушкевич, ҳаваскор гулчилар, манзарали боғдорчилик совхози, Ботаника боғи, «Тошкент гуллари» фирмаси, ёш натуралистлар станцияси, Тошкент ҳайвонот боғи ва шаҳар мактаблари ўқувчилари иштирок этадилар.

**Аттракционлар шаҳарчаси, қайиқлар, эртаклар шаҳарчаси, «Серпантин», компьютер ўйинлари зали, кафе, чойхона Сизнинг хизматингизда бўлади.**

---

### ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

(Хадра майдони, 1)

**ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА**

**Ленинград, Москва, Ростов-Дон, Тошкент, Новосибирск шаҳарларининг етакчи артистларининг**

ЦИРК САНЪАТИ АНЖУМАНИ ЎТКАЗИЛАДИ

**Цирк санъатининг барча жанрлари бўйича икки бўлимдан иборат катта ранг-баранг программа.**

**«БУҒМА ИЛОН БИЛАН ОЛИШУВ»** ғароийиб томошаси.

**Бутун оқшом манежда масхарабозлар гуруҳи кўнглингизни ёзади.**

**Томошалар соат 19.00 да; шанба кунлари — соат 16 ва 19.00 да; якшанба кунлари — соат 12, 15 ва 18.00 да бошланади.**

**Олдиндан билет сотиш ташкил қилинган.**

Касса дам олиш кунисиз соат 10 дан 20 гача ишлайди.

---

**«СЕРГЕЛИ» МАКТАБ-МАГАЗИНИ**

### ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«СЕРГЕЛИ» МАКТАБ-МАГАЗИНИДА ҚИЗЛАР ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ СОТУВЧИСИ (III категорияли) КАСБНИ ЭГАЛЛАШЛАРИ МУМКИН.

**Ўқишга 8 ёки 10-синф маълумотига эга бўлганлар қабул қилинади.**

Мурожаат қилиш учун манзилгоҳ: «Спутник» даҳаси, 7-мавзе, Сергели район озиқ-овқат савдоси ташкилоти, кадрлар бўлими.



Маълумот олиш учун телефон — 58-91-66.

**СЕРГЕЛИ РАЙОН ОЗИҚ-ОВҚАТ ТАШКИЛОТИ.**

---

**«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.**

---

**ТЕАТР**

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА—17/V да **Иоланта**, 18/V да **Оқшушлар кўли.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА — 17/V да **Хотинимнинг эри**, 18/V да **Гул ва Наврўз.**

**КИНО**

**17 МАЙДА**

**БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:**

**Чайка** — «ЗИТА ВА ГИТА» (16, 18.30, 21).

**Нукус** — «ЗИТА ВА ГИТА» (16, 20.45); «ҲАҚҒЎЙЛИКНИНГ АЧЧИҚ МЕВАСИ» (18.30).

**К. Ерматов номли** — «ЛИФТДАН ЧАП ТОМОНДА» (тоқ соатларда).

**М. Шайхзода номли** — «ТЕМИР ХОТИН» (ўзбек тилида 17,20).

**Тошкент Советининг 50 йиллиги** — «ТАЗИҚ ОСТИДА» (17, 19, 21).

**18 МАЙДА**

**БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:**

**Чайка** — «ЗИТА ВА ГИТА» (11, 13.30, 16, 18.30, 21).

**Нукус** — «ЗИТА ВА ГИТА» (11, 16, 20.45); «ҲАҚҒЎЙЛИКНИНГ АЧЧИҚ МЕВАСИ» (13.30, 18.30).

**К. Ерматов номли** — «ЛИФТДАН ЧАП ТОМОНДА», «ДАДИЛ ГАПИРАВЕР» (тоқ соатларда).

**М. Шайхзода номли** — «ТЕМИР ХОТИН» (ўзбек тилида 11, 14, 17, 20.00).

**Тошкент Советининг 50 йиллиги** — «ТАЗИҚ ОСТИДА» (11, 13, 15, 17, 19, 21.00).

**Восток** — «ЛИФТДАН ЧАП ТОМОНДА», «ҚОЧИШ» (10.30, 13.30, 16.30, 19.30).

**Фестиваль** — «ҲАҚҒЎЙЛИКНИНГ АЧЧИҚ МЕВАСИ» (20.40).


**ТОШКЕНТ ОҚШОМИ** («Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

**РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.**

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

**Якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек ва рус тилларида мустақил чиқади.**

Р. — 03544.

**Тиражи 139.200. Индекс 64690. Д—2201.**

**1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.**